

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги

Наманган мұхандислик-иқтисодиёт институти

"Касб таълими" кафедраси

**"Технологик жараёнларни лойихалаш"
фанидан**

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Наманган - 2005

Аннотация

Маърузалар матнида ишлаб чиқариш технологик жараёнларини лойиҳалашнинг назарий ва амалий асослари, шунингдек, ишлаб чиқариш технологик параметрини аниқлаш учун математик моделлар тузиш, шу мақсадда ЭХМ ни қўллаш масалалари ёритилган.

Маърузалар матни олий ўқув юртларининг 540600, 5140901 йўналиш талабалари учун тузиллган бўлиб, ундан мухандис-технолог ходимлар ҳам фойдаланиши мумкин.

А.Хожиев

Технологик жараёнларни лойиҳалаш. (Маърузалар матни).

Тақризчилар:

Залетдинов Ф.Ф. -ТТЕСИ доцент, т.ф.н.

Турдиев Р.Х. -"Камолот" ПИЧХЖ бош мухандиси.

Маърузалар матни НМИИ
илмий кенгашида тасдиқланган
йиғ. баёни _____ 2005 й.

Маърузалар матни НМИИ Тўқимачилик саноати махсулотлари технологияси кафедраси
йиғишида маъқулланди.

Йиғилиш баёни №1 _____ 2005 йил.

Мундарижа

1. Кириш. Курсни вазифалари. Илмий техник ривожланиш rational технологик жараённи асоси. Пойабзal фабрикаларини ишлаб чиқариш таркиби.
2. Технологик жараёнларни таркиби ва функциялари. Уларни умумлаштириш.
3. Материалларни пойабзalни устки деталларига бичиш технологик жараёнларини лойихалаш.
4. Материалларни таг деталларга қирқишиш ва деталларга ишлов бериш жараёнларини лойихалаш.
5. Пойабзal тановорини йиғишиш технологик жараёнини лойихалаш.
6. Пойабзalни йиғишиш жараёнини лойихалаш услуги. Йиғишиш схемасини қуриш.
7. Чарм буюмларини ишлаб чиқариш технологик жараёнларини автоматлаштирилган лойихалаш. Технологик жараённи математик модели. Лойихалаш алгоритми.

1-маъруза

Кириш. Курсни вазифалари. Илмий техник ривожланиш рационал технологик жараённи асоси. Пойабзal фабрикаларини ишлаб чиқариш таркиби.

Режа.

- 1. Кириш.**
- 2. Курсни вазифалари.**
- 3. Илмий техник ривожланиш рационал технологик жараённи асоси.**
- 4. Пойабзal фабрикаларини ишлаб чиқариш таркиби.**
- 5. Чарм буюмларни ишлаб чиқариш жараёнларини лойихалашда дастлабки маълумот. Технологик жараёнлар хақида тушунчалар.**
- 6. Таинч сўз ва иборалар.**
- 7. Адабиётлар.**
- 8. Назорат саволлари.**

Кириш

Республикамизнинг равнаки кўп жиҳатдан саноат моллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, уларнинг сифатини яхшилаш, нафақат республикамизнинг аҳолисига, қолаверса, чет элликларга ҳам манзур пойабзal ишлаб чиқариш ҳам саноатнинг тубдан ўзгаришлар қилиниши лозим бўлган соҳаларидан биридир.

Жаҳонга машхур Чехословакиянинг "ЦЕВО", Германиянинг "Саламандер", Руминиянинг "Томис" ва бошқа фирмаларнинг маҳсулотлари билан рақобатлаша оладиган пойабзаллар ишлаб чиқариш ҳозирги куннинг, бозор муносабатлари юқори даражага кўтарилган куннинг талабидир.

Чармдан тайёрланган буюмларга асосан шахсий истеъмол предметлари (пойабзal, сумка, кўлқоп, тасма ва х.к.) киради. Уларни бизни асримиз бошлангунга қадар соф чармда тайёрланган.

Ҳозирги пайтда бундай буюмларда чармни ўрнига кўпинча газмол сунъий ва синтетик чармлар ишлатилмоқда.

Чарм буюмлар ишлаб чиқариш технологияси фанидан пойабзal ишлаб чиқариш жараёнларини лойихалашнинг материалларни пойабзal устки ва таг деталларига бичиш, уларга ишлов бериш кетма-кетлиги, пойабзални йиғишини асосий жараёнларини назарий ва амалий асослари ўрганилади. Шу билан бирга чарм буюмлар ишлаб чиқаришни технологик параметрларни аниқлаш учун математик моделлар ва ЭХМни қўллаш масалалари ҳам ўрганилади.

Ушбу курсни ўрганишдан мақсад иқтидорли кенг илмий техник дунёқарашга ва юқори маданиятли тафаккурга эга бўлган замон талабига жавоб бера оладиган мутахассисларни тайёрлашдан иборат.

Курсни вазифалари.

Курсни вазифалари ҳам харажатли, кам чиқиндили, қисқа жараёнли, математик моделлар, ЭХМ, рационал жихоз қўлланган, автоматлаштирилган оптимал технологик жараёнлар тузиш ва уларни асослашдан иборат.

Республикамиз президенти И.А.Каримов давлатимиз саноатига илғор техника ва технологияни, жумладан, чет эллардаги номдор корхоналарни тажрибаларини техника ва технологиясини жорий қилишни таъкидлаб ўтди.

Ривожланган давлатларнинг пойабзal саноатида кейинги пайтларда микроэлектрон техникини кенг қўлланилмоқда, ишлаб чиқаришни ва лойихалашни автоматлаштирилган тизимлари яратилган.

Ўзбекистонла пойабзal тикиш ўз анъаналарига эга. Қадимдан пойабзal тикувчи косиблар қўлда ҳар хил андоза ва турда, этик, махси, кавуш тикканлар. Пойабзal саноати корхоналари пайдо бўлиши билан туфли, ботинка, сандал, шиппак, пийма, калиш ҳамда махсус иш пойабзаллари ишлаб чиқарила бошлади.

1927 йилда Тошкентда пойабзal фабрикаси ишга туширилди. Кейинги даврда Янгийўл пойабзal фабрикаси, Поп резина пойабзal фабрикаси, Фарғона пойабзal фабрикаси ишлай бошлади. Тошкентдаги 1 ва 2 пойабзal фабрикалари, Чирчик, Кўқон пойабзal фабрикалари кенгайтирилди ва жихозланди, корхоналар махсулот турлари бўйича ихтисослашди.

"Фарғонапойабзal" акциядорлик жамияти билан Германиянинг "Саламандер" фирмаси иштирокида "Узсаламан" қўшма корхонаси махсулот чиқара бошлади. (Йиллик лойиха қуввати 8 турдаги 500 минг жуфт эркаклар пойабзали).

Илмий техник ривожланиш рационал технологик жараённи асоси.

Ҳозир пойабзal саноати корхоналарини энг замонавий ускуналар билан қайта жихозлаш амалга оширилмоқда. Синтетик ва сунъий материаллардан кенг фойдаланиш тармоқдаги истиқболли йўналишлардан. Республика енгил саноат тизимида махаллий саноат тармоқларидаги бир қанча майда корхоналардан ташқари, 10 та йирик пойабзal фабрикаси ишлаб турибди.

Тошкентда чарм галантерия буюмлари комбинати ишлаб турибди. (1956 1илда ташкил қилинган) 1996 йилдан Наманганда сунъий мўйна фабрикаси ишга туширилди (Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси).

Юқорида таъкидлаб ўтилган янги техника ва илғор технологияни жорий қилиниши пойабзal ишлаб чиқаришда бажариладиган бир қатор операцияларни технологиядан чиқариб ташлаш имкониятини яратди.

Пойабзal фабрикаларини ишлаб чиқариш таркиби.

Пойабзal фабрикаларини ишлаб чиқариш таркибини қуйидаги схема ёрдамида ифодалаш мумкин.

схема

Пойабзal ишлаб чиқариш жараёнини соддалаштирилган схемаси.

М1 - таг қисм материаллари

М2 - ёрдамчи материаллар (елим, ип ва бошқалар)

М3 - устки қисм материаллари

ОМ - материаллар омбори

Қ - қирқиши цехи

Б - бичиши цехи

Й - йигириши цехи N1, 2,...ni

От - тайёр махсулот омбори

Ут, Уу - пойабзални мос холда устки ва остки узеллари (деталлари)

Чарм буюмларни ишлаб чиқари жараёнларни лойихалашда дастлабки маълумот. Технологик жараёнлар хақида тушунчалар.

Пойабзал ишлаб чиқариш жараёнларини лойихалаш жараёни кўп босқичли характерга эга. Дастлаб бажариладиган ишлар бу лойихалаш учун маълумотларни тўплаб олишдан иборат. Дастлабки маълумот қуидагилар бўлиши мумкин.

а) корхонани қуввати:

б) давлат стандартлари:

в) ишлаб чиқаришни илгари қўлланилган технологик жараёнлари:

г) конструкторлик хужжатлари:

д) жихозларни корхонадаги мавжуд нархи:

е) материаллар захираси ва бошқалар:

Шу маълумотларни тўплаб олинган технологик жараёнларни лойихалашга киришиш мумкин. Технологик жараён нима? Пойабзал ишлаб чиқариш саноатида у нималардан иборат? Қуида мана шуларни кўриб чиқамиз.

Технологик жараёнлар хақида тушунчалар.

Технология деганда саноатни турли соҳаларида ҳом ашёни, материалларни, яrim фабрикат ёки буюмларни олиш, қайта ишлаш усусларини мажмуаси тушунилади.

Технологик жараён деб ишлаб чиқариш жараёнини асосий қисмлари бўлган ишлов бериш, қайта ишлаш, ташиб, сақлаш операцияларига айтилади. Ишлаб чиқариш операциялари икки хил бўлади, 1) асосий технологик ва ёрдамчи, ҳамда 2) хизмат кўрсатувчи. Технологик операциялар ҳом ашёни, яrim фабрикатни шакли, размерлари, холати, уларни таркиби, физик механик хусусиятларини ўзгартиришга

хизмат қиласи. Улар битта ишчи жойида бир ёки бир нечта деталлар устида бажарилади. Технологик операциялар қўлда, машинада яримавтоматларда, автоматларда бажариш мумкин. Технологик операциялар ишлаб чиқаришни лойихалаш ташкил қилиш ва режалаштириш ҳамда жихозни юклаш обьекти ҳисобланади. Асосий технологик операцияларга асосан материалларни, энергияни, махнатни сарф меъёрларини ишлаб чиқилади, бажарувчиларни иш хақи берилади, сифатни назорат қилинади.

Ёрдамчи операцияларга технологик анжомларни, асбобларни тайёрлаш, жихозларни таъмирлаш ва бошқалар киради. Хизмат кўрсатувчи операциялар асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнларини материаллар, ярим фабрикатлар, энергия билан таъминлайди, назорат, лаборатория ва текшириш ишларини бажаради. Чарм буюмлар технологиясини фан сифатида вазифалари физик, механик, кимёвий ва бошқа қонуниятларни аниқлашдан иборат. Мақсади қисқа вақт кам меҳнат ва материал талаб қиласидиган юқори самарали ва тежамкор ишлаб чиқариш жараёнларидан фойдаланишдан иборат.

Мисол тариқасида қайиқча туфлисини тоноворини йиғиш технологик жараёнини кўриб чиқамиз. Қайиқча (лодочка) туфлисида орқа-чокдан ташқари барча чоклар елимни қўллаган холда бажарилади.

Операцияларни бажариш тартиби қуйидагича:

1. Деталларни текшириш.
2. Деталларни конвейерга қўйиш.
3. Бетликни қирғоғига елим суртиб, букиш.
4. Бетликни букилган қирғоғини ва орқаликни шилиш.
5. Бетликни ва оралиқни қирғоқларга икки марта паирит елимни суртиш ва қуритиш.
6. Бетликни оралиқقا ёпиштириш (пресслаш).
7. Юқориги каптни букиш.
8. Юқориги каптни букилган қирғоқларини шилиш.
9. Астарларга икки марта елим суртиш, қуритиш.
10. Астарни елимли йиғиш.
11. Оралиқ астарни ёпиштириш.
12. Оралиқ астарни ёпиштириш.
13. Бетлик ва астарликни юқори кантини периметри бўйлаб икки марта елим суртиш ва қуритиш.
14. Бетликка астарни ёпиштириш.
15. Тановорни орқа чокини тикиш.
16. Орқа чокни дазмоллаш.
17. Тановорни товон қисмини букиш.
18. Товон қисмини букилга юқори кантини шилиш.
19. Товон қисмини чармига ва астарига икки марта елим суртиш.
20. Товон қисмини чармини астарига ёпиштириш.
21. Товонларни тозалаш ва жуфтлаш.

1, 2, 11, 12, 15, 16, 17, 21 операциялар тўғридан-тўғри бажарилаверади.

Қолганлари қуйидагича бажарилади.

3, 7 операцияларни, яъни тановорни деталларини букиш операцияларни латекс АНТ-1 ёки наиритли елим суртиб 1281/P машинасида бажарилади. Юқориги кант букаётганда (7-операция) товон қисмida 1-1,5 см узунликдаги жойи букилмайди. Букилган қирғоқларни шилиш (4,8-

операциялар) бутун пеример бўйича бўлади ва юқориги кантдан 0,5 мм масофада АСГ-13 машинасида бажарилади.

Иккала ёпиштирадиган сиртларга икки марта елим суртиш (5, 9, 13, 14 - операциялар). Биринчи елим қатламини қуритиш вақти -10 минут, иккинчисиники 5 минут. Елимни кенглиги 8 мм гача (7-1 мм). 9-операцияда елимни факат чарм астарларига суртилади. 1-қатламни қуритиш вақти 5 минут, иккинчисиники - 3 мин.

6, 10, 14-операцияларни одатдаги прессларда бажарилади. Товоң қисмини ёпиштириш махсус прессда бажарилади. (6, 10, 14, 20-операциялар). Пресслаш даври 30 секунд, босим 50 Па. Бу оқимга вертикал ёпиқ тасмали конвейер хизмат қўрсатади. Деталларни бевосита конвейер тасмасида пресслаш учун ГП-2,5 прессида фойдаланиш мумкин (6, 10, 14-операциялар). Конвейер ва прессни автоматик бошқарилади. (Конвейер тўхтаб-тўхтаб юради). Тасма сурилганда прессни юқори плитаси кўтарилилади. Пресс конвейерни каркасига ўрнатилган. Юқориги плитани ўлчамлари 500x310 мм, пастгиники 500x300 мм. Устки-чарм билан астарни икки секцияли пневматик прессда шакли қолипни товонига ўхшаш пуансон ва марица ёрдамида бажарилади.

Елим қатламни қуритиш учун (5, 9, 13, 19-операциялар) қуритиш даври созланадиган қуритиш шкафлари кўллаш тавсия қилинади.

Таянч сўз ва иборалар.

Пойабзal, чарм буюм, газмол, пойабзal тикиш, пойабзal фабрикаси, қўшма корхона, ишлаб чиқариш таркиби, жараёнларни лойиҳалаш, дастлабки маълумот, технологик жараён, операция.

Адабиётлар.

1. И.А.Каримов. "Ўзбекистон буюк келажак сари" Т., 1998 й.
2. В.А.Фукин, А.И.Калита. Технология изделий из кожи. 1-қисм., 5-7 бетлар.
3. И.А.Калита ва бошқалар. Проектирование обувных предприятий. М., 1985 й., 3-15 бетлар.
4. Т.Т.Фомина. Новое в технологии производства обуви зарубежом., М., 1991 й.
5. Аналитическая справка. Новое зарубежное оборудование, технология для обувной промышленности. М., 1991 й.

Назорат саволлари.

1. Курсни вазифалари нималардан иборат?
2. Пойабзal ишлаб чиқарувчи қандай қўшма корхоналарни биласиз?
3. Пойабзal фабрикасини ишлаб чиқариш занжири?
4. Пойабзal фабрикасини ишлаб чиқариш жараёнини илмий техник ривожлантириш истиқболлари?

2 - маъруза

Мавзу. Технологик жараёнларни таркиби ва функциялари.
Уларни умумлаштириш.

Режа.

1. Технологик жараёнларни унификациялаш.
2. Узеллар ва деталларни умумлаштириш.
4. Технологик жараёнларни умумлаштириш.
5. Таинч сўз ва иборалар
6. Адабиётлар.
7. Назорат саволлари.

Технологик жараёнларни унификациялаш.

Пойабзал ишлаб чиқаришни лойихалаш масаласи ечимларни кўп вариантилиги билан тавсифланади. Бир турдаги пойабзални ишлаб чиқариш учун буюнга қўйиладиган талабларни бир хилда қондирадиган технологик жараёнларни кўплаб вариантларини тузиш мумкин. Масалан, елимлама усулда бириктириладиган пойабзални шнур, текс скобка, елим ёрдамида тортиш мумкин.

Бу варианtlарни самарадорлиги ва рентабеллиги бўйича кетма-кет таққослаш усули ёрдамида биттаси танлаб олинади. Бу масалани ечишни осонлаштириш мумкин. Қачонки умумлашган, тайёр унификациялашга эришиш ва деталларни ҳамда саноат технологик жараёнларини стандартлаштириш мумкин.

Пойабзал саноатида унификациялашга мисол қилиб, қолипларни тўққизта гурухини ажратиш, уларни рақамларини ва тўлалигини аниқ белгилаш ва х.к. ларни келтириш мумкин. Унификациялашни иккита тури бор ички ва ташқи. Ички унификациялаш битта буюнни деталларни тури, размерлари, материалларни турини қисқартиришдан иборат. Масалан, размери бир хил ёнликлар, оралиқ астарлик, пошналар битта моделдаги пойабзални иккита ёнма-ён размерлари учун қўлланилаверади.

Ташқи унификация деганда-турли функционал вазифа бажарадиган умумий буюмлар, материаллар, узеллар ва деталларни мавжудлиги тушунилади. Масалан, наиритли елим, шнурлар, пистонлар барча турдаги пойабзаллар тайёрлаш учун, бир хил фасондаги қолиплар турли моделдаги пойабзаллар тайёрлаш учун тановарни бир хил бўлиши керак. Бу марказий штаплаш корхонасини фаолияти учун қулай шароит яратади.

Унификациялаш ишларини қуйидаги кетма-кетликда бажарилади:

1. унификациялашни ҳар бир босқичида тасниф белгисини ва объектни танлаш;
2. битта корхона ёки соҳани объектларини (деталлар, узеллар, буюмлар таснифлаш;
3. узеллар, деталларни оптималь типоразмерларини аниқлаш;
4. корхоналарни стандартларини деталларни, узелларни, буюмларни

конструктив-унификацияланган қатор учун тайёрлаш.

Бу ишларни унификацияланган объектини қўлланган намунани тайёрлаш билан якунланади.

Биринчи босқичда ички унификациядан битта моделдаги пойабзални деталлари бўйича, битта ярим жуфтлик, кейин жуфт, ундан кейин эса ташқи унификацияга ўтилади. Бу ердан аввал битта ярим жуфтликни барча деталлари унификацияланади, масалан, иккала пистон таглиги дастакни оралиқ таглиги ва х.к.

Кейин эса ички унификациялашни давом эттирилади ва пойабзални деталлари узеллари кўриб чиқилади. Масалан, ҳар бир ярим жуфтликни иккала орқа ташқи ва ички тасмалари унификацияланган бўлиши керак, бу эса тилчалар, пошналар, супинаторлар, астарлик ва орлик учлик ва х.к. ларга ҳам тегишли.

Ташқи унификациялашни бир қисми корхона даражасида бир қисмини соҳа даражасида бажарилади. Корхона даражасида бир турдаги буюмларни таққосланади.

Масалан, барча эркаклар ботинкалари ярим ботинкалар билан аёллар этиклари ярим этиклар билан ва оқазо. Сўнгра барча турдаги пойабзаллар жинси бўйича масалан, аёллар пойабзалини барча моделлари: туфли, этиклар, ярим ботинкалар ва хоказо.

Сўнгги босқичда корхонадаги ассортиментни барча тур ва жинслари бўйича унификация ўтказилади. Бунда қўлланиладиган материалларни турларини қирсқартириш мумкин. Масалан, елимлар, иплар ва бошқалар.

Ташқи унификацияни иккинчи қисми илмий текшириш ва лойихалаш ташкилотларида бажарилади. Бунда унификацияланган деталлар, узеллар хақида маълумотлар турланади, бир хил усулда бириктириладиган пойабзални патаклари тагликлари унификацияланади. Уларни ишлаб чиқариш учун бир хил кесиш, пресс-форма ишлатилади.

Узеллар ва деталларни умумлаштириш.

Узеллар ва деталларни умумлаштириш унификацияни таркибий қисми ҳисобланади. Бунда кўплаб деталлар орасидан жинси ва туридан қатъий назар бир-бирига ўхшаш гурухларини ажратиш керак бўлади. Масалан, ички деталлар гурухлари, таглик ва тановор деталлари гурухлари.

Буларни ичидан янада ўхшашроқ, бир типдаги, бир хил вазифадаги материалдаги, конструкциядаги, масалан, таг деталлардан патаклар, орқаликлар ва х.к. гурухчалари бажарилади. Бу деталлар умумлашган деталлар деб аталади.

Технологик жараёнларни умумлаштириш.

Деталлар ва узеллар билан ишни тугатгач, технологик жараёнларни умумлаштиришга ўтилади. Унинг мақсади-индивидуал технологик ечимларни сонини камайтиришдан иборат. Натижада жихоз типларини сони, анжомларни сони камаяди, маҳсулдорлик ошади, тайёри камаяди.

Бу холатда умумлаштиришни асосини ҳам таснифлашни ташкил қиласи, лекин нафақат деталларни ва узелларни, шу билан бирга технологик жараёнларни ҳам

таснифланади. Аввалам бор умумлашган деталларни ишлаб чиқаришга интилиш керак. Улар шу типдаги деталлар учун умумий бўлиши керак. Масалан, пойабзални тановорини рант патаклар ёки чарм тановор. Технологик жараёнларни умумлаштириш қуйидаги умумий қоидаларга асосланган:

1. Технологик жараёнларни бир хил танланади.
2. Ишлаб чиқаришоперациялари умумлашган таркибдан танланади.
3. Умумлашган деталларни ишлаб чиқариш учун бир хил кетма-кетликда бажариладиган операциялар тузилади.
4. Ҳар бир жараён учун умумий жихоз танланади.
5. Умумлашган операцияларни бажариш учун оптимал ва бир хил режимлар танланади.
6. Назорат учун умумий ускуналар ва усуллар кўлланилади.
7. Ёрдамчи операциялар учун умумий механизация ва автоматизация воситалари кўлланилади.

Бу қоидалар қуйидаги кетма-кетликда бажарилади.

Аввал умумий деталларни тайёрлашни умумлашган жараёнларни тузилади.

Ҳар бир унификацияланган технологик жараёнда бир хил схема, маршрут) операциялар рўйхат) ва уларни бажаришни кўплаб, меъёrlари умумий бўлади. Бироқ операцияларни бажаришни баъзи меъёrlари умумий бўлади. Бироқ операцияларни бажаришни баъзи меъёrlари ўзгаради. Масалан бир хил моделдаги пойабзал тановорини турли размерларини тайёрлашда чок узунлиги ўзгаради ва мос равишда маҳсулдорлик ишчилар сони, жихоз сони, ип миқдори ва бошқалар ўзгаради.

Баланд пошнали аёллар таглигини ёпиштиришда эркакларни кига нисбатан пресс-нуқтада бошқа камера кўллаш керак, шу билан бирга елимлаш жараёнини бошқа параметрлари ўзгармайди. Пойабзални размери ва жинси, қолип фасонига боғлиқ холда иссиқлайн-парчинлаш агрегатларини пресс-нуқталари ўзгаради.

Умумлаштириш юқори чўққиси стандартлаштирилган технологик жараён ҳисобланади.

Умумлашган технологик жараёнларни яратиш кўплаб ишлаб чиқаришда предмет-ёпик участкаларни, яrim автоматик оқимларни, масалан, ПЛКО, АЛ, АКОП ва бошқаларни кўллашга имкон яратади.

Умумлашган технологик жараённин яратиш буюмларни таснифига асосланади.

Масалан, умулашган "Технология производства обуви" ни 3 қисмида пойабзал тановорини 78 та конструкциясига умумлашган технологик жараён тузилган. Бу ерда йирик тановорлар, масалан, этиклар, яrim ботинкалар, туфлилар алоҳида кўрсатилган. Аслида эса тановорларни вариантлари нихоятда кўп. Бу холда технологик жараённин умумлашган жараёнларини қисмларидан йиғиб тузилади.

Тажрибаларни кўрсатишича умумлаштиришни қуйидаги 3 йўналишда олиб борган маъқул.

1. Технологик жараён асосида, деталларга боғлиқсиз холда.
2. Деталлар асосида.
3. Технологик жараён ва деталлар асосида комбинацияланган усул.

Биринчи йўналишни кўпинча янги корхонани қуришда ёки эскисини реконструкция қилишда қўлланилади.

Иккинчи йўналиш кўпинча ишлаётган корхонади ва детал ва буюмларни ишлаб чиқаришни илғор усулларини қўллашга имкон яратади.

Учинчи йўналиш нафакат қандайдир детални, балки бутун ишлаб чиқаришни технологик иқтисодий қўрсаткичларини янада яхшилаш мақсадида қўлланади.

Учала йўналишда хам бир мақсад - бир хил деталлар ва пойабзалларни умумий технологик жараён асосида самарали усуллар қўллаб тайёрлаш назарда тутилади.

Таянч сўз ва иборалар.

Ечим, технологик жараёнларни варианatlари, унификация, унификациялаш кетма-кетлиги, ассортимент, умумлаштириш, ўхшаш детал, умумий жиҳоз, бир хил режим.

Адабиётлар.

1. В.П.Настеров, О.С.Закарян. Проектирование процесса производства обуви., Киев., 1985 йил., 12-19 бетлар.
2. Р.А.Климов, В.Н.Гончаренко ва бошқалар. Робототехнические системы в текстильной и легкой промышленности. М., 1991 йил.
3. Аналитическая справка. Новое зарубежное оборудование, технология для обувной промышленности. М., 1991 йил.
4. В.А.Фукин, А.И.Калита. Технология изделий из кожи, М., 1989 йил.

Назорат саволлари.

1. Унификация нима? Пойабзал саноатида унификациялашга мисол келтиринг?
2. Ички ва ташқи унификацияни тахлил қилиб беринг?
3. Узеллар ва деталлар қандай умумлаштирилади?
4. Технологик жараёнларни умумлаштириш қоидалари?
5. Умумлашган технологик жараёнларни афзалликлари?
6. Умумлаштиришни уч йўналиши

[қайтиш](#)

3 - маъруза

Мавзу. Материалларни пойабзални устки деталларига бичиш технологик жараёнларини лойиҳалаш.

Режа.

1. Материалларни пойабзални устки деталларига бичиши.
2. Газлама ва синтетик, сунъий материалларни бичишни хусусиятлари.
3. Материалларни бичиш жараёнларини такомиллаштириш йўллари.
4. Устки деталларга ишлов бериш жараёнларини лойиҳалаш.

Таянч сўз ва иборалар.

Бичиши партияси, нав, чармдан фойдаланиш, детални ўртача майдони, тама, бир жинслилик белгиси, стандарт нуқта, кескич, назорат шаблони, ёстиқ, размер гофрлари, тоза қирқиши, тахлам, тахлаш машинаси, пресс, дазерда бичиши, автоматик қирқиши.

Адабиётлар.

1. В.А.Настеров, Д.С.Закарян. Проектирование процесса производства обуви., Киев., 1985 й. 20-33 бетлар.
2. Аналитическая справка. Новое зарубежное оборудование, технология для обувной промышленности. М., 1991 йил.
3. Т.Т.Фомина. Новое в технологии производства обуви зарубежом. М., 1991 йил.

Назорат саволлари.

1. Чармларни қайси белгиларига кўра навларга ажратилади?
2. Нуқсонлари кўп бўлган чармдан қандай деталлар бичилади ва нима учун?
3. Устки деталларни бичиши учун қайси пойабзалларга қандай майдон гурӯхларини жамлаш лозим?
4. Ишлаб чиқариш партиясидаги чармни вазифасига кўра қалинлиги қандай бўлади?
5. Деталларни тоза қирқиши учун қандай чоралар кўрилади?
6. Бичиши жараёнини такомиллаштириш йўллари?
7. Бичилган деталларга қандай ишлов берилади?

Материалларни пойабзални устки деталларига бичиши технологик жараёнини лойихалаш ва уларга ишлов бериш.

II. 1. Материалларни пойабзал устки деталларига бичиши.

Фабрикага излаётган чарм ва бошка материалларни ҳар бир партиясини стандартларга мослигини лабораторияларда текшириб кўриш керак. Шундан сўнг чармларни бичиши партияларини тўри жамлаш учун қуйидаги белгилари бўйича навларга ажратилади:

- 1) нави ва майдони бўйича:
- 2) қалинлиги бўйича:
- 3) ранги бўйича:
- 4) мереясини бир хил расмлари ва бошқалар.

Майдон w омилини ундан фойдаланиш фоизи R га таъсирини хисобга олган

холда, катта деталларни бичиш учун яхши навли йирик деталларни танлаб олинади. Нуқсонлари күп бўлган чармларни майда деталлари бўлган моделлар бичилади. Материални бундай танлаб олиш принципи маркавий илмий текшириш институтини қуидаги формуласи аниқ ифодалаб берилади.

$$P = y - \frac{39}{\sqrt[4]{w}} - \frac{6a}{10} (\%)$$

У-деталларни жойлаша олиш сиими, %.

W_қA/a A-чармни ўртача майдони, дм квадрат;
а-детални ўртача майдони дм квадрат. в-чармни нуқсонларини ёритувчи баллар сони.

Нисбатан катта деталларни бичиш учун катта чармларни танлашни зарурлигини (2) тенгламадаги иккинчи аъзони чармни майдондан фойдаланиш фоизига таъсирини анализ қилиш ёрдамида асослаш мумкин. Яъни аввалги бичилаётганига нисбатан катта размердаги деталларни бичилганда детални ўртача майдони а катталашади. Демак, А/a нисбат кичиклашади, нисбатни қиймати катталашади, чармни фойдаланиш фоизи Р эса кичиклашади.

Чармдан фойдаланишни талаб қилинаётган сатхига эришиш учун деталларни ўртача майдони а катталашганда чармни ўртача майдони А ни катталаштириш керак. Шундай қилинса, бичиш натижалари яхшилашади. Деталларни ўртача майдонини катталаштирилиши тенгламани учинчи азосига ҳам таъсир қиласи нисбат катталашади, бу эса чармни фойдаланиш фоизи Р ни камайишига олиб келади.

Чармни нави бўйича кўпаяётган чиқиндиларни ўрнини тўлдириш учун катта деталларни бичаётганда чармни нуқсонли жойларини кесиш қийинроқ бўлади, нави юқорироқ, нуқсонларни тавсифловчи баллари кичикроқ бўлган чармларни партияларини танлаб олиш керак. Шундай қилиб, детални ўртача майдони а ни катталashiшини в қийматини кичиклаштириш хисобига компенсацияланади, бу эса бичиш натижаларини яхшилайди. Пойабзални юқори деталлари учун чармни битта ишлаб чиқариш партиясига бир турдаги қуидаги майдонлар гурухларини жамлаш керак.

- а) аёллар чарм этикларига 90-160 дм квадрат ва ундан каттароқ.
- б) аёллар ёпиқ туфлисига 60-120 дм квадрат ва ундан каттароқ.
- в) аёллар ёзги туфлисига 50-100 дм квадрат ва ундан каттароқ.
- г) мактаб ёшидаги болалар ва қизлар туфлиси, ярим ботинкаси, ёзги туфлисига 40-80 дм квадрат ва ундан каттароқ.
- д) мактаб ёшидаги болалар ва қизлар ярим этиклари 80-120 дм квадрат ва ундан каттароқ.

Хромли ярим этикларни бичиш учун мўлжалланган чармларни ишлаб чиқариш партияларини танлашда, битта ишлаб чиқариш партиясига олинадиган чармни майдони 40 дм квадратдан кам бўлмаслиги керак.

Битта ишлаб чиқариш партиясига турлари бўйича бир жинсли бўлмаган чармлар танланмайди. Чармни ҳар бир ишлаб чиқариш партиясига навлага ажратувчи ишчи чармларни тўғри ҳисоблаб танланганлигини кўрсатувчи белгисини (тамға) қўяди.

Шундай белги чармни хужжатларига ҳам қўйилади. Пойабзали устки деталларига ва астарликларига бичишга мўлжалланган чармни бир жинслик белгисига қараб танланган бўлиши лозим: ранги бир хил, майдони бир хил, гурухларга мансуб ишлатилиш вазифаси бир хил. Партиядаги чармни қалинлиги уларнинг вазифасига мос келиш керак (1-жадвал).

Ишлаб чиқариш партиясидаги чармни вазифасига кўра қалинлиги.

1-жадвал

Пойабзали жинси ва тури	Чармни қалинлиги, мм	
	устки детал	астарлик
Аёллар пойабзали, таглиги полеуретан	1,2-1,4	0,6 дан кам эмас
Аёллар пойабзали, астарсиз	1,4 дан кўп	0,6 дан кам эмас
Аёллар этиги	1,2 дан кўп	0,6 дан кам эмас
Эркакларчувяги	0,7 дан кўп	0,6 дан кам эмас
Аёллар туфлиси, таглиги чарм	0,8 дан кўп	0,6 дан кам эмас

Устки деталларга ва астарликка ишлатиладиган чармни қалинлиги стандарт нуқта Н да юқори деталарини кўпроқ чиқадиганларини танлаб олади. Рангли чармлар билан ишлаганда деталларни ранги бир-бирига мос келишига эришиш керак. Бичувчи бир сменада ўртacha 2000 та детал қирқади ва 1000 марта кесгични алмаштиради, шунинг учун маҳсулдорлик бичувчини иш ўрнини рационал ташкил қилишга кўп жихатдан боғлиқ.

Барча кескичлар доимо бир жойда туриш керак, кўпроқ ишлатиладиган кескичлар ишчига яқинроқ туриши керак. Иш жойини ёритилганлиги 300 hv бўлиши лозим. Ёрдамчи операцияларни масалан, чармни иш жойига келтириш, деталларни омборга ташиш ва бошқаларни механизациялаштириш керак.

Қирқиши операцияси бук ё/очидан, шиббаланган картондан пластмассадан, сиртига тўқимачилик материаллари билан жихозланган "ёстиклар" устида бажарилади. Металл ёстиқ устида қирқилган деталлар аникроқ қирқилади. Уч қават қилиб қўйилган ўртасида чармларнинг чиқиндиларидан қатlam, ташқарисига икки томондан пластмасса қопланган ёстикларда ҳам қирқиши аникроқ бўлади.

Эски, ўрувчи механизм билан ёстиқ орасида паралеллик ва эришиш қийин бўлган жихатлардан, шунингдек кескичларни баландлиги кескин фарқ қилганда, одатда ёғочдан қилинган ёстиклар қўлланади. Деталларни размери катталашган сари металл ёстикларни кўллаш қийинлашиб боради, бошқача айтганда йирик кескичларда катта деформация бўлади.

Кескичларни конструкциясига, тайёрлашга ва таъмирлашга одатда, қуйидаги талаблар қўйилади. Устки ва остки деталларни, тўқимачилик материаларини қирқувчи кескичлар талабларга жавоб бериш керак: тайёр холдаги N4 профилли пўлатдан тайёрланган кескични баландлиги 32 мм, тш-1343, 110-71 пўлатдан тайёрланган кескични баландлиги эса 100 мм. Кескичларни тифидан устига томон 1-30 градус бурчак остида бўлиши керак. Етиклик тифдан 7-8 мм баландликда бошланади. Тифни ташқи сиртини 26-27 (116-117) градус қилиб чархланади. Чархланган сиртни кенглиги тифни барча жойида бир хил бўлиш керак.

Тиғни ички сиртида фаскалар қуидаги бўлади: чармни қирқиши учун мўлжалланган кескичларда эса 1 градус. Баландлиги 100 мм кескичларни тифи 0,2 мм қилиб ўтмаслаштириб қўйилади. Битта жамламадаги барча типдор кескинларни баланлиги орасидаги энг катта фарқ тиф ўтмаслаштирилган бўлса 0,15 ўткир бўлса 0,25 мм, турли жамланмалар орасида эса мос равища 0,25 ва 0,5 мм бўлиш керак.

Назорат шаблони ва пойабзалини остики ва устки деталларини қирқувчи кескични тифи орасидаги тирқиши кескични тигини периметри 300 мм дан кам бўлмаганда -0,3 мм периметр 300 дан 500 мм гача бўлса - 0,4 мм; 500 дан 600 ммгача бўлса - 0,6 мм; 800 ммдан кўп бўлса - 0,7 мм бўлиши керак.

Барча размердаги кескичларни тифи билан ёстиқ сирти орасидаги тирқиши 0,2 мм дан кўп бўлмаслиги лозим. Чархланган барча қисқичларни тиглари киринидан яхшилаб тозаланган бўлиши, тигларда ёриқлар ва эзилишлар бўлмаслиги керак. Кескичларни чархланган ички томони тигидан бошлаб 7 мм баладликкача ишлов бериш 7-8 клавитетга, ташқи томони 8-9 клавитетга мос келиши керак. Колган сиртларга ишлов берилмайди. Қисқичларни туташган томонларини пайвандлашда эҳтиёткорлик талаб қилинади. Барча типдаги кескичларни тигларидаги гофрлар деталларга ишлов беришнинг қулай жойларида бўлишига интилиш керак. Размер гофрларни тишчаларини баландлиги 2-3 мм бўлиши керак. Совутиб чўзиб олинган пўлатдан тайёрланган кескичларни ихчамлигини ошириш учун шаблондаги бурчаклар совутиб юмалоқланади.

Иссиқлайн чўзиб олинган пўлатдан тайёрланган кескичлар тигини периметри 500 ммдан кўп бўлган кескичлар ва барча совуқлайн чўзиб олган пўлатдан тайёрланган кескичларни бикрлигини ошириш учун 45 маркали пўлатдан қобурғалар пайвандлаб қўйилади ёки болтлар ёрдамида бириктирилади.

Баландлиги 200 мм бўлган кескичларни ишлатаётганда ишчини қўлини кескич билан прессни орасига тушиб қолишини олдини олиш мақсадида кескичгacha қулоқчалар қилинади. Қулоқчаларни қалинлиги 2 мм, кенглиги 20 мм қилиб тайёрланади ва тигдан 90 мм баландликда ўрнатилади. Катта размердаги кескичларни қулоқчаларини уч ва товон томонларда 1180 мм дан кам бўлмаган узунликда қилинади. Периметри 350 мм дан кам бўлган кескичларда қулоқчалар бутун параметр бўйлаб жойлаштирилади. Кескични уч томонида 50-60 мм баландликда кескични фасони ва размерини кўрсатувчи тамға қўйилади. Рақамлар шрифтини баландлиги 5-7 мм.

Қирқилаётган деталларни тоза қирқилишни таъминлаш учун кескичларни даврий равища чархлаб турилади. Кескичлардан тўғри фойдаланиш уларни хизмат даврини узайтиради, шунинг учун иш бошлашдан аввал ҳар бир кескични солигини, баландлиги ва шаблони бўйича, ҳамда ҳимоя воситаларини текшириб олинади. Кескичларни турли таъсирлардан асрash керак, уларни металларни устидан сақламасли бир-бирини устига қўймаслик, уларни баландликдан тушиб кетишга йўл қўймаслик, деталларни металл предметлар ёрдамида бўшатмаслик керак. Прессни ўрувчисини босими кескични периметри бўйлаб бир хилда тақсимланиши лозим: кескичларни тигини холатини муентазам қунт билан кузатиб бориш керак, чунки ўтмаслаштирилган тигни 0,1 дан 0,3 мм гача ўзгаришида кесиш кучи 3,5 баравар ошади. Кескичлар махсус хоналарда сақланади ва уларни техник холати назорат қилиб турилади.

Прессни ва ёстиқларни созлиги кескичларни хизмат даврини узайтиради.

Чармдан устки деталларни қирқувчи кескичлар қуидаги талабларга жавоб берса олиши керак: шаблон контурига мос келиши керак: тиғ текислиги ва кескични устки томонини текислиги қатъий параллел бўлиш керак. Совуқлайн чўзиб олинган пўлатдан қилинган кескични баландлиги 19-32 мм бўлган ён сирти ёстиқ текислигига қатъий перпендикуляр бўлиши керак. Тикгич, тешгич ва пичоқлар ўрнатиладиган жойларга 15x4 мили пўлатдан туташтиргич қўйилади. Тикгичларни кескичларни тифидан 0,5 мм пастга қўйилади. Размерлар гофларининг баландлиги 2К-0,1 мм, белги гофлариники - 1,5К-0,1 мм, тишларнинг баландлиги - 10К-0,5 мм. Кескичларни пайвандлашда тигларни қўйишга йўл қўйилмайди. Пайвандланган жойларни яхшилаб тозаланади. Кескичда размерни ва моделни кўрсатувчи тамға аниқ қўйилган бўлиши керак.

Ҳозирги пайтда кескичлар аввалдан чархланган пўлат тасмадан совуқлайн букиш усулида тайёрланмоқда. Шунингдек жамланган ва кўп деталли кескичлар қўлланилади. Бу кескичларни қўлланганда маҳсулдорлик ошади, модел оралиги чиқиндилари камаяди. Бир варакайига яrim жуфт пойабзалини деталларини қирқиши (бунда модел оралиги чиқиндилари бўлмайди) кескичлар жумланмасини қўллаш тажрибаси ҳам маълум, бирор ularни қўллаш учун тўғри бурчакли тўплам, контурлари

мос тушувчи деталларни лойихалаш керак.

Бир қатор пойабзал фабрикаларида чармни чиқиндиларидан спиртисимон пичоқлар ва кескичларда тасмалар қирқилади. Бу ленталардан бетликларни тўқишида фойдаланилади. Чармлардан ва чармни ўрнини босувчилардан деталларни ПВГ-8, ПВГ-8-2-0, ПКП10, И3005 (текстима, Германия), 061021Р1, П2 "Ково" (Чехословакия) прессларида қирқилади. Прессларнинг одатдаги маҳсулоти бир смена 2,5 минг чарм детал, аммо 4,5 минг деталгача бўлиши мумкин.

Ўтирган холатда ишлатиладиган прессларнинг конструкциялари ҳам яратилган. кўп қатламли (24-қават) тўқимачилик материалларини ПТГ-12-0, ПОТГ-40-0 пресслари яратилган. Бу прессларда материални кесиш пичноғига автоматик равища суриб берилади. ПТОГ-40 преси юмшоқ чармларни қирқишида ҳам ишлатилади.

Астарликлар бичишида ЗЛ-ШВ-1лентали арра ҳам ишлатилади. Лентани электронмагнит ёрдамида тиқувчи бу машинани маҳсулдорлиги соатига 100 астарлик. Йирик корхона шароитида 06005/3 "Ково" пресини қўллаш тавсия этилади. Бу пресс умумий ягона ишчи столи иккита 06005/1 пресидан иборат. Бу пресда газламани бутун эни бўйлаб бичиш мумкин. Прессда материалнисуриш механизми мавжуд. Кесиш кучи -10 тонна. Киев енгил саноат институтида бир гурух пойабзал фабрикалари билан ҳамкорликда кирздан соғларни автоматик бичувчи қурилма ихтиро қилинди. Бунда материални аниқ суриб бериш соғни қирқиши, қирқилган деталларни ва чиқиндиларни суриб бериш операциялари бажарилади.

Поливинил хлорид қопламали сунъий чармларни бичиш жараёнини кирғоқларини бошқа материал билан пайвандлаш, бошқа рангдаги плёнкани қўйиб, из тушуриб безаш операциялари билан бир пайтда қўллаш мумкин. Бунинг учун юқори частотали генератори бўлган ПГС-3-0 типидаги преслардан фойдаланилади.

Газламаларни ва бошқа рулонли материалларни бичиш хусусиятлари

Газламаларни сифатини текширгандан сўнг уни 7-10 м ли стол устига тахланади. Тахламга бир неча ўрамни ёйиб қўйилади. Ҳар бир ўрамни охирини навбатдаги ўрамни бошланиши билан улаб кетилади. Тахламни узунлигидан кичик қийқимлар тўплаб смена охирида 1 м лар чамаси тахламлар қилинади. Кўплаб корхоналарда газламларни тахловчи машиналар жорий қилинган бўлиб уларга тахламдаги ўрамлар сонини хисобловчи қурилма ўрнатилган. Бу машиналарни тахлаш тезлиги 1 м/с, ўрамлар сони 100 тагача, тахлам баландлиги 50 м, узунлиги 2-8 м.

Тахлаш машинасининг иккинчи варианти кесиш пресини бир қисми сифатида тайёрланган бўлиб бу машина фоторели ёрдамида газламани бир томонини текислаб, прессни столига узатади. Шунингдек 0607/P1 "Ково" машинаси хам қўлланилади. Тахловчи кареткасининг тезлиги 80 см/с, ўлчамлари 1750x16200 мм.

Тахламдаги қатламлар сони газламани турига қалинлигига, кесиш жихозининг имкониятларига детал шаклини аниқлигига ва бошқа омилларга боғлик. Юқоридаги омилларга боғлик холда қатлам сонини 20-64 тагача тавсия қилинади. ПТГ-12-0 пресида қатламлар сони 24 тагача бўлиши мумкин. Деталларни жамлашни осонлаштириш учун қатламларни 4 га нисбат қилиб олиш керак чунки астарлик деталларни сони бир жуфтда 4 та бўлади. Аррада бичилганда газламани юқори қатламини юзига газламани кенглигидан 12-20 мм кичик бўлган шаблон ёки трефарат ёрдамида белги қўйилади. Аррада ишлаш қулай бўлиши учун тахламни ЭЭМ-3 пичоғи ёрдамида узунлиги 1 м қилиб бўлакларга бўлиб олинади. Бунинг учун трефаретда 4-5 мм қилиб маҳсус шаблон оралиги қўприкчаси қўйилади.

Пресларда газламани тахлам қилиб қирқилганда бўлакларга бўлинмайди, қатламлар сурилиб кетмаслиги учун қирғоғидан маҳкамлаб қўйилади.

Киев енгил саноат институтида В.А.Скатерной раҳбарлигига чарм ва уни ўрнини босувчиларни бичишда автоматик равишда ишловчи қурилма ва дастурланган усусларни яратиш устида иш олиб борилмоқда.

Пойабзални устки деталларни сифатини қўйидаги белгилар бўйича назорат қилинади. 1. Деталларни чизиқли ўлчамлари. Чизиқли ўлчамлари назорат шаблонларидан 1,0 мм четланишга рухсат этилади. Фабрикаларда қўйин одатда 96% га сақланади. Прессда газламани кўп қатламли қилиб қирқишда четланиш 4-5 мм га бориши мумкин, аммо бу кўрсаткич аррада кесгандагидан кичик бўлади. 2. Гофр ва тешгичлар изини сифати. 3. Деталларни қалинлиги. Фабрикада одатда деталларни қалинлиги унча катта бўлмаган четланишларда сақланади. Бундан ташқари деталларни қалинлиги томонларда назорат қилиш керак. Устки деталларни қалинлиги бўйича текислаш тавсия этилади. 4. Детал қирқиб олинган чармни топографик қисми уни бикрлиги ва мустахкамлиги. Бу деталларни одатда оргонелик текширилади, бунда оралиқ астарлик билан кучайтирилган деталлар кўрсатилади. Меъёрий хужжатларга кўра ишчи пойабзалларни юфтдан қилинган деталларни бикрлиги чўзишда 60 кг дан кўпроқ, хромли деталларда - 30 кг дан кам бўлмаслиги керак. 5. Деталларни дефектлари. Жуфтларни рангини бир хиллиги, зичлиги, мустахкамлиги оргонопентик текширилади. Мере бўйича жуфтларни бир хиллигини текширгандан мерееметр қўллаш мумкин. 6. Деталларга ишлов бериш сифати. Бу кўрсаткич фабрикада тасдиқланган нормалар бўйича назорат қилинади.

**Материалларни бичиш жараёнини
такомиллаштириш йўллари.**

Пойабзал деталларини лазерда бичиш. 70-йилларнинг бошларида пойабзал ишлаб чиқаришда материалларни бичишида лазер нури қўлдана бошлади. 1971 йил Япониянинг кларино материалидан лазер нурида деталлар бичиб тановар йифилди.

1971 йилда куввати 200 ватт бўлган, детални суриб берувчи механизм билан брғланган, детални контури эгрилиши фотоэлектрик тизим кузатиб борувчи бичувчи қурилма яратилади. Бу машинанинг маҳсулдорлиги прессларницидан қолишмайди, қирқиши эни 0,5 мм дан камроқ ва материални хамма қисмида бир хил. Материалга

хеч қандай босимни таъсири бўлмаганда материал деформацияланмайди. 1976 йилда тажрибали қирқувчи томонидан қўлда чармни юзасидаги нуқсонларни белгилаб, ЭХМ га материални нуқсонлари хақидаги маълумотни киритишини ўз ичига олган бичиш тизими хақида эълон қилинди. Шунингдек топшириқ - бичиладиган деталлрни сони аниқланади, сўнгра бу маълумотлар ЭХМ ни хотирасига жойлаштирилади. ЭХМ га шунингдек деталларни градирлаш тизими, биринчи дастлабки размер ва размерлар қаторидаги деталлар киритилади. Бутун тизим нечта деталлар материали қайси йўналишда бичилиш хақидаги маълумотлар ёзилган кассетадан бошқарилади. Ушбу қурилмани қўллаш натижасида материал сарфи 6% камаяди, битта чармни туридан қатъий назар қирқиши вақти 4 минут атрофига бўлади. Барча чармларни 90% ини шу машинада бичиш мумкин.

Кейинчалик деталларни чарм юзида рационал жойлаштириш размер ёрдамида кесиш тезлигини ошириш, шунингдек бичиш натижаларини иқтисодий жихатларини тахлил қилиш муаммолари устида иш олиб борилди. Деталларни рационал жойлаштириш чармни турли топографик қисмларидағи тягучест чўзилиши хисобга олинади, буни чўзилиш картаси кўринишда берилади.

Агар чармдан йўл қўйиб бўлмайдиган нуқсонлар, масалан тиркалган жойлари бўлса чармни шу жойларини масулшятли деталлари бўлмаслик учун белгилаб қўйилади. ЭХМ ни алгоритми шундай тузилганки, бичиш учун чармни турини ахамияти йўқ. Материални ўрнатиш муаммоси ҳам ечилган. Лазер нури материални столга куч билан босмаслигини хисобга олиб, материални текис қилиб, ғижимга йўл қўймай ёйилади. Шундай қилинса, деформацияланмаган деталлар олинади. Бу типдаги тизимни биринчи марта 1979 йилни ўрталарида қўлланилади. 1971 йилдан бошлаб сунъий чармни бичиш учун куввати 200 ватт бўлган лазер қурилмаси қўлланилмоқда. Бу машиналар икки смена ишласа иқтисодий жихатдан самара беради.

Тикувчилик саноатида комплекс автоматик қурилма яратилган бўлиб, уни пойабзал саноатида ҳам қўллаш мумкин. Бу тизимда тўғри чизиқлар 2 та нуқта билан, эгри чизиқлар бир нечта нуқта билан берилади. Шундай қилиб, битта детал бўйича бошқа барча деталларни конфигурациялари аниқланади. Лазердан ташқари тизимда ишчи орган сифатида юқори босимли сув ҳам қўлланади. Кейинги пайтда орzon лазер олишга имкон туғилди, шунингдек микропроцессорлар ва информатикага харажатлар камайди. Шу сабабли чармни оддий тизимли лазерда бичиш масалалари ҳал қилинмоқда. Бу тизимда ёруғлик нури ёрдамида детални хола тини экранга чиқариш, уни тўнтариш ва хакозо мумкин. Терминалда детални тасвирини олиш учун график кодлашни тўплаш мумкин. Яқин келажакда детални координаталарини хисоблаш тиҳимидан воз кечиб, уни фотонусхасидан фойдаланиш мумкин.

Устки деталларга ишлов бериш жараёнларини лойиҳалаш.

Лазерни қўллаганда пайдо бўладиган газларни ва иссиқликни кетказиш қўйган материалларни олиб ташлаш керак. Баъзи материалларни бичганда қирғоғи эриб кетиб қолиши, захарли газ ажралиши мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда сув дастасидан фойдаланиш яхшироқ бўлади. Лазерда бичганда яна бир салбий томони 1 см гача бўлган тахламни қирқиши, қалинлик ошган сари энергия сарфи ошади ва лазер қимматлашади.

Титровчи пичноқда бичиши. Титровчи пичноқда бичадиган қурилмаларда ишчи асбоб пичноқ тез харакатланади. Пичноқни перфокарта ёрдамида уч йўналишда харакатини бошқаради. Бичишдан олдин полиэтилен плёнкага ўралган материал олдида вакуум ҳосил қилинади. Бу усулда умумий қалинлиги 101 мм гача бўлган 130 қатламгача тахламни қирқиши мумкин. Кесиш тезлиги 18-30 м/мин, кесиш аниқлиги 0,8 мм. Бунда иккита стол қўлланади: биттасида қирқилади, иккинчисида қирқилган

деталларни олинади. Пичноқни қалинлиги 1 мм, кенглиги 3 мм тобланган пўлатдан қилинади. Тик холатда харакатланиб юқорига ҳам пастга ҳам кесади. Бошқарувчи қурилмада перфотасма ўрнига деталларни градирлашда қўлланиладиган автоматик тизимни магнит тасмасини ҳам ишлатиш мумкин. Бу жихозда юмшоқ материаллар, масалан, тўқимачилик материали яхши бичилади. Қурилмани камчилиги мураккаб шакилларни қирқиша қирқиши йўналишини ўзгартириш учун пичноқни кўтариш керак.

Автоматик қирқиши. Лазердан фойдаланиш билан бир қаторда томатик типдаги классик қирқиши пресслари ҳам яратилган. Қирқиши иккита йўналтиргичга тортилган пўлат тасма бошқаради. Кескични қирқиши каллагига ўрнатилган. Пўлат тасмада қирқиши холатига мос келувчи тешиклар бор. Харакатланаётган каллакда жойлашган оптик қурилма тешикни топиб бошқариш тизимиға сигнал беради ва материал қирқилади. Материал автоматик суриб берилади. Каллакни ҳар бир кўтарилганида материал белгиланган қадамга сурилади. Автоматик циклда пресс то кескични алмаштириш зарурияти бўлгунча ишлайди. Сўнг янги пўлат тасма қўйилиб, материални суришни янги қадами белгиланади.

Ушбу қурилмаларни такомиллаштириб борилади ва кескични каллакка бикр махкамланади. Каллакни харакатини 4 та пресга бирданига ишловчи унча катта бўлмаган ЭХМ бошқаради. Деталларни шакли хақидаги маълумотлар ЭХМ ёрдамида магнит дискда тайёрланади. Ишлаш жараёни қуйидагича: ишчи таглик материални ейиб, прессдаги махсус қурилма ёрдамида материални энини ва узунлигини ўлчайди ва машинада кесилаётган детални размери ва материални ўлчамлари хақидаги маълумотни печатлайди. Экранда бичиши режаси пайдо бўлади. Агар ишчи уни маъқулласа, қурилмада талаб қилинаётган кесиш махкамланади Материал автоматик равишда қирқилади. Бу қурилмани қўллаганда қўл меҳнати камаяди. 1976 йилда ЭХМ билан ишлайдиган пресс яратилди. Прессда таглик материалларни қирқилади. ЭХМ ёрдамида 10-15 секунд ичida кескични рационал жойлаштирилади. Ишчи факат материални қўйиб, қирқилган деталларни олиб туради. Махсулдорлик 20-50% ошади бу пресни нархи сув дастаси ёрдамида ишлайдиган қурилмани нархини ярмини ташкил қиласди. Шуни такидлаш керакки хамма турдаги материални бичадиган универсал турдаги усул йўқ. Турдаги усуллар қўллашга тўғри келади. Даструрни ва кескични 4 тадан 10 тагача ўрнатиш мумкин

бўлган револьвер каллак ёрдамида тез ўзгартириб деталларни кичик сериялаб қирқиши мумкин.
Бунда материал қирғоқларидан яхшироқ фойдаланиш мумкин.

[қайтиш](#)

4 - маъруза

Мавзу. Материалларни таг деталларга қирқиши ва деталларга ишлов бериш жа-
раёнларини лойихалаш.

Режа.

1. Материалларни пойабзални таг деталларига қирқиши.
2. Таг деталларига дастлабки ишлов беришни лойихалаш.

Таянч ва сўз ва иборалар.

Таг деталларини қирқиши жараёни, наъмуна, майдонни ўлчаш, рекламация,
қирқишига топшириқ, қирқиши партияси, захира, гранитол, ПВГ-18 прессия де
жаллаш, сифатни назорат қилиш, текислаш, шилиш, фрезалаш.

Адабиётлар.

1. В.П.Нестеров, О.С.Закарян. Проектирование процесса производства обу-
ви., Киев., 1985 йил., 33-41 бетлар.
2. Т.Т.Фомина Новое технологии производства обуви зарубежом., М., 1991
йил.
3. Справочник обувщика. Технология., М., 1989 йил.

Назорат саволлари.

1. Материални пойабзал таг деталарига қирқиши операцияларини айтиб бе-
ринг?
2. Материалларни қабул қилиб олишда нималарга эътибор бериш керак?
3. Чармни майдони қандай ўлчанади?
4. Гранитол материали қандай қирқилади?
5. Материалларни қирқишида қандай кескичлар қўлланилади?
6. Қирқилган деталларни сифати қандай назорат қилинади?
7. Махсуслаштирилган қирқиши оқимлари хақида нималарни биласиз?
8. Қалинлик бўйича текислаш операцияси хақида гапириб беринг?
9. АСП-6 агрегатида қандай операцияларини бажариш мумкин?
10. Тагликни изи нима сабабдан титилади?

Материалларни пойабзални таг деталларига қирқиши.

Бу жараён одатда қуйидаги операциялардан иборат;

1. Материални таъминловчидан қабул қилиб олиш ва сифатини текшириш.
2. Чармларни майдонини ўлчаш.
3. Қирқишига топшириқ тузиш.
4. Қирқиши учун чармларни партияларини танлаш ва қирқиши.
5. Қирқувчини иш жойида пойабзални таг деталларини санаб жойлаш.
6. Қирқилган деталларни сифатини текшириш.
7. Таг деталларига ишлов бериш ва сифатини текшириш.

1. Материалларни қабул қилиб олиш. Материалларни қабул қилишда уларни сифати, майдони, нави ва қалинлиги накладной билан солишириб чиқилади.

Чармни орқа томонида ювилмайдиган бўёқ билан аниқ қилиб майдон, нав, категория, завод маркаси ва чиқарилган йили қўйилган бўлиши керак. Накладнойга ёзилган маълумотлар билан ҳақиқийси орасида фарқи чиқса, акт тузилади ва таъминловчига рекламатция юборилади. Бунда ҳар бир партиядаги чармлардан намуна олинади (стандарт нуқтадан) ва Гостандарт талабларга мос келадиган кўрсатгичларни аниқланади. Йўл қўйиб бўлмайдиган четланишлар бўлса таъминловчига рекламация юборилади.

2. Чармни майдонини ўлчаш.

Чармни майдонини таъминловчи ЭМИК-1, ПММ, ПМ-3 машиналари ўлчайди. Пойабзал фабрикаси эса текшириб кўради. Баъзи чармларда четланиш 2 фоизгача бўлиши мумкин.

3. Қирқишига топшириқ тузиш.

Қирқишига топшириқ ҳар бир ишчига алоҳида тузилади. Бунда ҳар хил турдаги ва турли размердаги деталларни комбинациялари қўлланади. Бундан мақсад материални майдони ва қалинлиги бўйича фойдаланиш фоизини ошириш. Қирқувчиларга оптимал топшириқ тузишни дастурлари тузилган.

4. Қирқиши учун чармларни партияларини танлаш.

Чармни ишлаб чиқариш партияларини танлаб олиш ҳисобланган топшириқка мос равишда майдон ва қалинлигини ҳисобга олган ҳолда бажарилади. Бунда қуйидаги қоидага эътибор бериш лозим. Партияни бир жинслилик белгисига қараб танланади: битта турдаги (иложи борича битта заводники), битта категориядаги, битта навдаги ва вазифасига кўра. Бунинг сабаби, ишчи битта турдаги материални қирқишига мослашиб қолади: ишчиди маълум билимлар ва малака ҳосил бўладики, оқибатда маҳсулдорлик ошади, материалдан фойдаланиш яхшиланади.

Қирқишига юборилаётган чармни сони захирага боғлик.

Чарм ўрнини босувчи материаллар ҳам бир жинслилик белгисига қараб танланади; гранитолларни қалинлиги ва вазифаси бир ҳил бўлсин, резина ва картонлар ҳам бир ҳил қалинликда, бир ҳил вазифага мўлжалланган, бир ҳил размерда, нави ва ранги ҳам бир ҳил.

Гранитолни саккиз қатламдан иборат қилиб тахлам қирқилади, узунлиги 5

метрдан кам бўлмаслиги керак; картон икки - уч қатlam қилиб, резинани икки қатlam қилиб қирқилади. Тахламни қисқичлар ёрдамида махкамланган олинади. Махсулдорликни ошириш учун қуидаги умумий қоидага амал қилиш керак, битта ишчида кескичлар сони иложи борича кам бўлиши керак, шундай қилинса асбобни алмаштиришга камроқ вақт сарф бўлади.

Материаллар қирқишдан олдин пресс текшириб кўрилади ва мойланади, ётиқ билан траверсани орасидаги масофани кескич ёстиққ қўпи билан 1 мм га кирадиган қилиб созланади. Ёстиқда 3-4 мм дан қўп чуқурчалар бўлмаслиги лозим. Одатда ўлчамлари 1600x400x250 мм бўлган махсус картондан, ёғочдан ва поливинилхлориддан қилинган ёстиқлар ишлатилади.

Қирқиш учун кўпинча ПВГ-18-0 пресси ишлатилади. Ишчи йўли 70 мм ва кесиш кучи 18 тоннагача бўлган бу прессда ишчи қўлини химиялайдиган автоматик қурилмаси бор. Шунингдек 12 квт қувватли, тарелкасимон ургичли "Текстима 13007" пресси, 10 квт қувватли консоль-буриувчи ургичли 06005/r3 пресси ишлатилади.

Битта детални қирқишга 1 секунд вақт кетади. Кўшимча операциялар билан биргаликда 1 жуфт детални қирқишга 5 секунд сарф бўлади. Қирқувчини иш жойини ташкил қилиш принципи имкон қадар ортиқча харакат қилмаслик. Энг кўп ишлатиладиган кескичлар яқинроққа жойлаштирилади. Майда деталларни қирқадиган кескичларни ишчини ўнг томонидаги шкафга жойлаштирилади. Орқадаги столга ярим сменага етадиган чармлар қўйилади. Иш жойига чармни ва кескичларни узатишни механизациялаштирилиш тавсия қилинади. Иш жойини ёритилганлиги камида 300 люкс бўлиши керак.

Пойабзални остки деталларини қирқишида турли профиль ва маркадаги пўлат листлардан тайёрланадиган енгиллаштирилган кескичлар ишлатилади. Жумладан, У7-У7А маркали 105x5 мм ли пўлат листдан кескич ясалди ва ПВГ-38, ПВГ-18-0, НПЕ прессларда картон, метал ва поливинилхлорид ёстиқларда деталларни қирқилганда сифати яхши бўлади. Кесгичлар синмади, кесгични массаси эса 35% га камайтирилган эди. Кесгичларни гидравлик станокда совуклайн букиш усулида тайёрлаш мумкин. Шундай қилиб қўрилганда фақатгина метални тежаш ҳисобигагина юқори иқтисодий самара олиш мумкин.

5. Деталларни жамлаш.

Деталларни жамлаб, қирқиши картасига уларни сони кўрсатилади.

6. Сифатни назорат қилиш.

Деталларни эгилгандаги бикрлигини аниқлаш учун меёrlар белгиланган. Масалан, винт усулида тайёрланадиган пойабзални таглигиничувулгандаги бикрлиги - 430дан 1400 кг гача, рант усулидаги пойабзални таглигиники 270дан 450 кг гача. Ҳозирги пайтгача қаттиқ чармларни остки деталларга қирқишини деталларни жуфтланмай чиқиши принципида бажариларди, яъни эркин қирқиш бўларди. Бу дегани қирқувчи таг деталларни чармни хусусиятларидан келиб чиқиб, режадаги тури ва сонини ҳисобга олмай қирқаверарди. Бу чармлар фойдаланишда энг рационал усулдек туюлади. Бироқ буни бир қатор сезиларли камчиликлари бор: материалдан фойдаланиш меёри чармни стандарт нуқтадан аниқланадиган категориясига боғлиқ ҳолда қалинлик зоналари бўйича ҳисобланади. Бу ниҳоятда шартли. Бундан ташқари қирқишига топшириқ билан бир

пайтда қиркувчи топшириққа мос кесгичларни ҳам олади. Бундай ҳолларда агар қалинроқ деталларни қирқиши мейрлари бўлмаса, кесгичлар берилмайди, натижада чармни хусусияти жавоб берган тақдирда ҳам қиркувчи қалинроқ детални қирқа олмайди.

Эркин қирқиши яна бир камчилиги - чармдан фойдаланишни яхшилаш мақсадида талаб қилинганидан кўп деталл қирқилади, натижада заҳира кўпайиб, айланма маблағлар музлайди. Ҳозирги пайтда эркин қирқиши ўрнига комплекс топшириқ амалда кенг қўлланилмоқда ва у қўйидагиларни таъминлайди: 1) деталларни қатъий эҳтиёжига мос ва фақат тўла жамланган (таглик, патак ва ҳоказо) қилиб қирқиши. Чармни фойдаланиш фоизини уни туширадиган филик, кичкина орқаликлар бундан мустасно. 2) чармни барча қисмларидан рационалроқ фойдаланиш. Бунинг учун комплекс топшириқ таркибига киритиладики, уларнинг қалинлиги чармни қалинлигига мос келсин. 3) қиркувчиларни чармни қирқиладиган топографик участкалари (чепрак, этак, гардон) бўйича қатъий иқтисослаштириш. Бунинг учун комплекс топшириқни бир эмас бир нечта ишчига тузиш керак. Комплекс топшириқни бажариш учун чепрак билан бирга жамланмадаги патак ва бошқа деталларни қирқиши учун гардон ҳам танланади.

Мана шу шартларни барчаси қўйидаги ташкилий тадбирлар билан бажарилади: одатда растовка ассортиментидаги деталларни 200 та тўла жамламаси ташкил топган комплекс топшириқдан иборат. Қиркувчи (иккита тўртта) бажаради. Бунинг учун комплекс топшириқ алоҳида қиркувчиларга шахсий топшириқ қилиб бўлиб берилади.

Шахсий топшириқда нечта ва қандай деталлар фасони ассортименти бўйича қандай чармларда қирқилиши ҳамда комплекс топшириқни рақами кўрсатилади. Шахсий топшириқлар барчаси биргаликда комплекс топшириқни, комплекс топшириқларни жамланмаси эса деталлар кунлик эҳтиёжини ташкил қиласди.

Аммо бу тизимда ҳам камчиликлар мавжуд. Таъминловчилардан келаётган ўзгариб турадиган турли категория ва навдаги чармлардан тўлалигича фойдаланиш учун ҳар сафар янгитдан комплекс топшириқлар тузиш керак бўлади. Қирқиб бўлинган барча деталлар расовка ассортименти бўйича 200 жуфтдан қилиб жамланиб, боғланади ва тикув цехларига юборилади. Деталларни унификациялаш ва қирқиши комбинацияларини тузишга ассортиментни мавжудлиги ҳисобига марказлаштирилган қирқиши фабрикасида этак, гардон ва чепраклардан фойдаланишда 2-2.4 % тежамкорликка эришилади. Топшириқни тўғри тузиш натижасида чармни қалинлиги 3.9 мм дан қалин қисмларидан вазифага мувофиқ фойдаланиш деярли 2 марта ошди. Механизациялаш сатхи 94%. Ишлаб чиқариш майдонини бир комплект деталларга сарфи 0.044м.кв. Бу эса бошқа фабрикаларни кўрсатгичидан 3-4 марта кичик.

Илғор фабрикаларни кўрсаткичлари бўйича қирқиши маҳсуслаштирилган оқимларида жихозлардан фойдаланиш фоизи 0,37-0,45 дан 0,74-0,86 гача. Иш вақтидан фойдаланиш коэффиценти 0,3-0,64 дан 0,78-0,97 гача ўсади. 7. Таг деталларига ишлов бериш технологик жараёни. Навбатдаги йиғув операцияларига тайёрланиш учун ва деталларни ишлатиш хусусиятларини яхшилаш учун уларга ишлов берилади.

1. Қалинлиги бўйича текислаш операцияси ДН, НДВ ва 05095/P1 машиналарида бажарилади. Уларнинг маҳсулдорлиги мос равишда соатига 1100, 1250, 1100к3750 жуфт деталлар. Бу машиналар бир-биридан унчалик фарқ қилмайди. АСП-5 қўйидаги операцияларни бажаради: қалинлиги бўйича текислаш, юзини ва орқа томонини силлиқлаш, чангдан тозалаш. Машинани маҳсулдорлиги сменада 1000 жуфт детални

шилиш жойига узатиш қўлда бажарилади. (Бир пачкада 10 жуфт) АСП-6 агрегати иккилаш, қирғоқларни шилиш ва чарм тагликларни титиш учун ишлатилади. Махсулдорлиги - сменада 5000 жуфт 2. Размерни тамғалаш НИВ машинасида бажарилади. Махсулдорлиги соатига 1250 жуфт детал. Битта лабли рантли патакка ишлов бериш технологик жараёнида тўқимачилик тасмасини ФГИ-0, ПРС-1М ва ПРС-1 прессларида ёпиштирилади. Махсулдорлик соатига 100-125 жуфт патак. Адабиётларда тасмани ёпиштиришни кўплаб варианtlари ёзилган.

Уларнинг бирида ўртасида букланган тасмани бир қаватини патакка ёпиштирилади. Елимлаб тортишда тоноворни тасмани иккинчи қаватига ёпиштирилади, бу пайтда тасма тортилиш хисобига тик холатга келади.

Баъзи усулларда бирлаштирувчи пойабзалларни таглик ва патаклари, масалан, елимлама усулини тамғалаш ва қалинлигини текислашдан ташқари яна ёпиштириб мустахкамлигини ошириш учун қирғонини титилади.

2. Таг деталларга дастлабки ишлов бериш.

Таг деталларга дастлабки ишлов беришни шу деталларга пойабзални ишлов беришга нисбатан бир қанча афзалликлари бор. Деталларга ишлов бериш қуйими "махкамланган тагликларни қирғонини фрезалаш" операциясини чиқариб ташлаш хисобига камаяди.

[қайтиш](#)

5 - маъруза

Мавзу. Пойабзал тановорини йифиш технологик жараёнини лойихалаш.

Режа.

1. Тановорни йифиш технологик жараёнини лойихалаш услуби.
2. Технологи жараённи лойихалашни уч босқичи.
3. Тановорни йифиши схемасини қуриш.
4. Технологик карта тузиш.

Таянч сўз ва иборалар.

Тановор, тановорни йифиш, лойихалаш бочқичлари, бошланғич маълумотлар, жараён схемаси, детал чизмалари, назорат партияси, узелларга ажратиш, деталларга ишлов бериш, буклаш, қирғоқни тушириш, бўяш, реквизит, жамлаш, қўйдириш, технологик карта.

Адабиётлар.

1. В.П.Несторов, О.С.Закарян. Проектирование процесса производства обуви., Киев.6 1985 йил., 41-45 бетлар.
2. А.Н.Калита, В.А.Фукин. Технология изделий из кожи. М., 1969 йил.

3. Справочник обувщика. Технология., М., 1969 йил.
4. Аналитическая справка. Новое зарубежное оборудование, технология для обувной промышленности. 6 М., 1991 йил.

Назорат саволлари.

1. Тановорни йиғиши технологик жараёнини лойихалаш услуги хақида гапириб беринг?
2. Технологик жараённи лойихалашни қандай босқичлари бор?
3. Ярим ботинкани тановорини йиғиши жараёнин лойихалашни биринчи босқичида нималар қилинади? Қолган бочқичларида-чи?
4. Тановорни йиғиши схемасини қуришда дастлаб нималар қилинади?
5. Узеллар хақида нималарни биласиз?
6. Тановорни йиғиши схемаларига мисоллар келтириңг?

Тановорни йиғиши технологик жараёнини лойихалаш услуги.

Тановорни йиғиши технологик жараёнини лойихалаш услуги. Хозирги пайтда пойабзални деталларига ишлов бериш ва йиғиши операцияларини кетма-кетлиги технологик ва йүриқ карталарини түплемларини "Маркавий илмий текшириш институти" да тайёрланган умумлаштирилган услугиятларга ва соханинг илғор корхоналарини тажрибаларига асосланиб тузилади. Бу технологик хужжатларни "Москва тұқымачилик ва енгил саноат институти" да ишлаб чиқылған услуг бүйича олиш мүмкін.

Технологик жараённи лойихалашни уч босқичи.

Технологик жараённи лойихалашни уч босқичи. Технологик жараённи лойихалашнинг услугияти асосиға машинасозликда қўлланиладиган ишлаб чиқариш жараёнини буюмни чизмаси бўйича тузиш қўйилган. Бунда технологик жараённи лойихалашнинг уч босқичи назарда тутилган:

1. Жараённи лойихалаш учун барча зарур бошланғич маълумотларни түплаш ва ўрганиш.
2. Деталларга ишлов бериш ва йиғиши схемаларини кенгайтирилган технологик жараёнларини схемаларини тузиш ва операцияларини тузиш ва операциялар кетма-кетлигини тузиш.
3. Технологик ва йўриқ картасини тузиш.

Таклиф этилаётган услугни яримботинкани тановорини йиғиши жараёнининг қуриш мисолида кўриб чиқамиз. Биринчи босқич. Бу босқичда мазкур буюмга қўлланиладиган материалларга ДАСТларни танланади ва ўрганилади. Шунга ўхшаш буюмларга ишлов бериш ва йиғиши мавжуд услублари билан танишиб чиқилади, тановорни ва деталларни чизмалари тайёрланади ва бошқа маълумотлар түпланади.

Фабрикаларда модел чертежи ҳар доим ҳам тайёрланавермайды,
шунинг учун уни қисқача тавсифлаймиз.

Чизмада тановорни асл катталиктада базис чизикларини тартиб билан рақамлари қўйилган деталларини тасвирини кўрсатилади, чизмада барча чоклар, уларни узунлиги, эгрилиги ҳам кўрсатилади ва шартли равишда ишлов бериш жараёнлари белгиланади.

Бир пайтни ўзида тановорни технологияйлигини аниқлаш мақсадида уни тайёрлаш учун кетадиган вақтни дастлабки ҳисобланади. Бу вақтга келиб дастлабки материалдан пойабзални биринчи назорат партияси тайёр бўлиши керак.

Бу талабда қарама-қаршилик бордек туюлади; ишлаб чиқариш жараёнини лойихалашни эндиғина бошланаяптию, пойабзал, биринчи тановорини тикиш керак. Бироқ бу тавсияда қарама-қаршилик йўқ. Тановорни қўплаб ишлаб чиқариш жараёни лойихаланаётганда одатда сезиларли миқдор (15-20 минг жуфт) назарда тутилади. Рационал жараённи тузиш учун жараённи операцияларга тўғри бўлиш, зарур типдаги жихоз танлаш, операцияларини бажариш меъёрларини асослаш ёрдамчи материалларни ип, игна ва бошқа тури ва зарур сони аниқланади. Бир жуфт тановорни тайёрлаш учун юқори малакали ишчини тажрибаси етарли. У тайёрланган назорат тановори лойихачи томонидан намунани лойихасига қўйилган деталларни йиғиш имкониятларини дастлабки аниқлаш қаратилган. Бу холатда яккараб ишлаб чиқаришни тажрибаси қўплаб ишлаб чиқаришни лойихалашга ёрдам беради.

Иккинчи босқич. Тановорни йиғиш схемаси ва кенгайтирилган технологик жараёнини схемасини тайёрланади. Бунинг учун қўйидаги принциплардан келиб чиқилади: деталларни йиғишни узеллар бўйича йиғиш усулида бажарилади, сўнгра алоҳида деталлардан тановор йиғилади.

Биринчи навбатда турли жуфтликларни бир-бирига чалкашиб кетишини олдини олиш учун деталларни энг кўп узелларни йиғиш тавсия қилинади.

Деталларни узелларга кейинчалик узелларни, буюмга йиғишни кетма-кетлиги шундай бўлиши керакки олдинги операцияларни бажарилиши кейингиларни осонлаштирусин.

Бунда борича яssi платформали машиналарда бажариладиган жараёнларни кўпроқ лойихалаш керак.

Чунки, колонкали, енгил машиналарни махсулдорлиги кичикроқ.

Ипни улаш оперциясидан қутулиш ниятида чокланиши ва охири деталларни қирғонини яхшиси, тортиш қирғонига тушгани маъқул.

3. Тановорни йиғиш схемасини қуриш.

Йиғиш схемасини қуришни тановорни ёки уни чизмасини ҳаёлан таркибий қисмларга-узелларига ва деталларга бўлишдан бошланади. Бошқа деталлар билан камроқ туташиш нуқталари бўлган узелни биринчи бўлиб ажрашини тавсия қилинади.

Узелларни танлаб олинган йиғиш схемасини тузилади. Бунинг учун ҳаёлан узелларда деталлар ажратилади ва тартиби ёзилади.

Бизнинг мисолимизда танланган яримботинкада иккита узел бор. Аввал олдинги узел ажратилади кейин орқа узел. Олдинги узел боковинка, астарлик (газлама ва чарм), тилча, орқалик астарлик ва бетлиқдан иборат;

схема бор

Ярим ботинка узелларга ажратиш схемаси.

Узелдан дастлабки ёнлик ажратилади, сўнг астар ажратилади ва у ҳам икки газлама ва чарм астарга ажрайди. Сўнгра оралиқ астар ажратилади, охирида бетлик ўзи қолади. Орқа узелда оралиқ астар орқа ташқи тасма чарм, орқа пистон, ости орқалик астари ва дастаклар бор. Дастлаб чарм астар ажратилади, сўнгра орқа ташқи тасма, пистон оралиқ астари, оралиқ астар дастаклар ва дастакни ўнг ва чапга ажратилади. Шундан сўнг тескари томонга юриб мана шу ажратиш асосида тановор йифиш тановор йифиш схемаси тузилади.

**Тановор деталларида ишлов бериш технологик жараёнини
схемасини кўриш.**

Тановор йифиш схемасига асосланиб, деталларга ишлов беришга ёйилган технологик жараёнини тузилади. Бунда тайёргарлик операциялари ҳам кўрсатиладики, бу билан ёйилгандан жараён схемасидан фарқ қиласди. Тартиб билан операцияларни номлари ёзилади. Аввал битта узелга ишлов бериш операцияларни номлари кейин қолганлари ёзилади. Узелдан охирида узилган деталга ишлов бериш опера циясини ёзишдан бошланади. Мисол учун, агар орқа узелни йифиш технологик жараёнин схемасини бир қисмини тузишга бўлса, операцияларни дастакни тайёрлаш ва йифишдан бошлаб ёзилади, (дастакни қирғонини бўяш учун шилиши, безак чокни ўрнин белгилаш ва хоказо).

Операцияни номланиш ва таркибини ўхшаш турдаги пойабзal ишлаб чиқариш жараёнларини тасдиқланган рўйхатидан олдин олган маъқулроқ. Агар умумлаштириш операциялар рўйхатини иложи бўлмаса у холда оригинал операция тузилади.

Барча зарур операцияларни ёзив олингач, уларга тартиб рақамлари қўйиб чиқилади. Бунинг учун яна узелларни қараб чиқиб, юқоридаги принципга мос келадиган узелни операцияларидан технологик тузиш бошланади. Сўнгра ёйилган маълумотларни сиқилган ҳолда жадвалга маълумотларни сиқилган ҳолда жадвалга киритилади ва уни пойабзal ишлаб чиқаришни технологик жараёни деб аталади.

№	Операция номи	Ишчини разряди	Иш тури қ-қўлда м-машинада	Жихоз		100 жуфтга вақт меъёри	Ишчилар сони		
				номи	завод		хисоб	ҳаки кций	захира
1.	Қирғоқларни буклаш	6	M	01281/ P1	0,687				

Жараёнга ишлаб чиқаришни ечиш ва назорат қилиш бўйича қўшимча операцияларни ҳам киритилади. (масалан, детални конвейерга қўйиш, сифатни назорат қилиш ва х.к.) Охирида технологик ва йўриқ карталари тузилади.

Устки деталларга ишлов бериш.

№	Технологик операциялар номи	Иш характеристи	Жихоз типи	Технологик меъёрлар	Қўлланилади ган ёрдамчи жихозлар
1.	Деталарни конвейерга кўйиш	Қ	Столдан конвейергача		
2.	Деталларни қалинглиги бўйича текислаш	М	-470	Устки материаллар учун 0,1-0,2 мм ёки 2 га бўлинади	Ташқи ном пичоқ
3.	Деталларни қирғонини тушуриш	М	АСГ-13-1-0	Деталл қирғонини тикиш учун 0,3 мм қалинлик 3 мм эни букиш учун 0,2-0,3 мм қалинлик, 6 мм эни, кўйдириш ва бўяш учун 0,7-0,8 2мм, эни. Тачноц чок учун 0,4-0,6	толшино мер, линейка
4.	Кўринадиган жойларни бўяш	Қ	СТ-6	Пойабзал сифатли ва чиройли бўлиши учун қирғоқлар бўялади.	Сувга чидамли, булар банк Б-1, шет
5.	Деталл қирғоқларини бўяш	М	ЗКД-1-0 БУС МК 012286/Р1	Кўринадиган қирғоқлар чиройли ва мустахкам бўлиши учун букилади.	Елим Н1
6.	Астарликларга реквизитлар кўйиш	М	КДВ, 06049/Р3	Реквизитлар иссиқлик ёрдамида куйилади	Фольга
7.	Кўйма патакка реквизитлар кўйиш	М	-	-	-
8.	Сифатини текшириш	Қ	Стол	ГОСТ талабларига мос келиши текшириллади. Нуқсонли деталлар чиқариб ташланади	ГОСТ
9.	Деталларни комплектлаш	Қ	Стол	Размерлар бўйича комплектланади	Боғлаш учун шнурлар

Унчалик қалин бўлмаган материаллар учун кўйдиришни бир кўрингиши иссиқлайн букаш қўлланилади. Бунда қирғоқ 180° га букашади. Бунинг учун 333 ПМЗ, ОКВ, ЦНИИКП конструкциясидаги магина ва 01048 (РІ/Чехия) машиналари фақат кўйидириш учун ишлатилади. Бу машиналарда детални қирғоғи таянчга тиради ва босқич ва столча ёрдамида ички томонини юқорига қилиб қиздирилган. У симоб акобага узатилади. Скобани бир томони чармни ички томонига тегиб туради. Иссиқлик таъсирида толани узунлиги қисқаради ва юз томон тортишади, детални қирғоғи букашади ва болғача букашади мустахкамлайди. Материални суриш тезлигига яъни иссиқликни таъсир қилиш давомийлигига боғлиқ холда қирғоқни $90-180^\circ$ га букаш мумкин. Суриш қадами 2 м/мин.

Машиналарни қиёсий тавсифи қўйида келтирилган.

Үртача мураккабликдаги деталлар учун махсулдорлик	ОКВ	ЦНИИКИ	01048/P1
Жуфт соат М/мин	25-33 1,9-4,3	25-33 1-7	63 5,2
Скобани температураси С	500-1300	400-1200	500-1200
Үлчамлари, мм	Столда 600x900	Столда 600-900	530-570

Оралиқ астарлик ёпиштириш. Оралиқ астарликни ёпиштиришдан мақсад деталларга мустахкамлик бериш, деталларни чўзилишини камайтириш, кийиб юриш даврида пойабзalни шакл сақлашлик қобилиятини яхшилаш безаш чоклари бўшаштириш жойларни мустахкамлайди ва тановорни тортиш пайтида шаклни сақлашдан иборат.

Шевро, замша, валюрдан қилинган деталлар қалинлигидан қатъий назар оралиқ астарлик билан мустаҳкамлашиш керак. Бошқа турдаги унча қалин бўлмаган чармлардан қилинган деталларни ҳам мустаҳкамлаш керак. Бунда қўйидаги талабларга риоя қилиш керак: оралиқ астарлик устки деталлар ва астарлик билан бирга тортиладиган бўлиши керак; тайёр пойабзalда оралиқ астарликни қирғоғи кўриниб қолмаслиги керак оралиқ астарлик букланмаслиги керак; оралиқ астарликни қирғоқлари тановорни йиғишида битта чок билан тикилиши керак (бу детални мустаҳкамлигини оширади). Оралиқ астарликни қирғоқлари букланадиган деталларни қирғоқларидан қўйидаги масофада бўлиши керак, мм.

перфорацияси бўлса 8-9

перфорация бўлмаса 5-6

қўйдириладиган деталларни қирғоғидан 2-3

тортиш қирғоғидан 5-6

Оралиқ астарликни қирғоқлари деталларни қирғоқларидан параллел бўлиши керак. Оралиқ астарликни ёпиштириш учун эластик плёнка ҳосил қиласидан каучукли ёки синтетик елим ишлатилади. Пойабзalни гигиеник хусусиятларини сақлаш ва елимни тежами учун уни оралиқ астарликка 2-3 мм кенглиқда оралигини 5-6 мм қилиб суртилади. Елимни НМП ва 012 30/P2 машиналарда соатига 187 жуфт деталга суртилади. Машинани үлчамлари 850x480 мм. Елимни узатиши ва деталга суртиш валиклари ёрдамида амалга оширилади. (Суртиш валигига ўйиқлар қилинган). Елим қатламини қалинлигига созлаш мумкин.

Хозирги пайтда истиқболли усул сифатида оралиқ астарликдаги термопластик елим плёнкасидан фойдаланиб деталларни бирлаштириш қаралмоқда. Бунинг учун ПВ-1-0 ва 01275/P1 Ково прессларидан фойдаланилади. Бурилувчи столустидаги деталга оралиқ астарлик қўйилади. Машина ишга туширилгач, стол бурилади ва детал қиздирилган матрицани остига келиб тўхтайди ва елимлаш операцияси бажарилади. Биринчи детал ва елимланаётган пайтда ишчи иккинчи деталсиз кейинги уяга қўяди ва жараён такрорланиб давом этади.

Устки деталларни текислаш.

Иссиқлайн парчаланиш, босим остида қўйиш усулларида пойабзal ишлаб чиқарилганда, шунингдек, олдиндан ишлов бериш айёrlаб олинган ва шаклланган тагликларни қўлланган холда пойабзal ишлаб чиқарилганда пойабзalни аниқ ва размерини доимий бўлишига талаб кучаяди.

Шу сабабли деталларга дастлабки ишлов бериш операцияларини биринчиларидан сифати детални қалинлигини текислаш тавсия қилинади. Шу мақсадда тасмалик қилувчи 06122/P3 машинаси қўлланади. Бу машинада қалин чармларни 2-3 қатламга ажратиш деталларни бир хил қалинликка келтириш, учлик деталини астарсиз пойабзalга қўйиш учун бетликни 3 қисмни иккилаш операциялари бажарилади.

Кейинги пайтда чиққан янги машиналарда шаклдор аралаш-қалинлигини текислаш ва қирғоқни шилиш мумкин. Машинада 2 та узатувчи вал бўлиб, иккилаш тасмасимон иккилаш ўлиб пичоқ ёрдамида бажарилади. Машинани маҳсулдорлигини соатига 50 та бичилган жамланма ишчи йўли 400 мм, ўлчамлари 100x900 мм, массаси 1485 кг чармни юзаси ва орқа томонидаги қатламларни текислаш мумкин. Ишлаб берилган детални қалинлигини рухсат этилган четланиши -0,1 мм дан кичик, минимал қалинлик 0,2 мм.

Чарм деталларни перфорациялаш. Перфорациялашда одатда 0,8-1 мм ли тешгичлар қўлланади, 1 мм дан каттаси йирик ҳисобланади. Бу операцияни тикув машинасида бажарилади. Бунда игна ўрнига тешгич қўйилади. Перфорациялаш бобина кўпинча устки детални кескичи билан бирлаштириб юборилади. Детални қирқиши билан бир пайтда перфорациялаш операцияси бажарилади, аммо бу усул қимматга тушади. Шу мақсадда яна Ково бирлашмасини 06099/P1, P2 пресси ҳам қўлланади. Бу прессларда ўргич ва тасман узатиш механизмлари бўлиб, шулар ёрдамида перфорацияланади.

Биринчи прессда ўлчамлари 200-200 мм бўлган деталларга иккинчисида 230-280 мм бўлган деталларга ишлов бериш мумкин. Биринчи прессни ўлчамлари 110x1210 мм, иккинчиси, 1400x720 мм. Бу операцияни Россияни АВГ-8 прессларида ҳам бажариш мумкин.

Детал қирғоқларини булаш. Бу операцияни мақсади детални қирғоқларини мустаҳкамлаш ва буюмга чиройли ташқи кўриниш бериш. Чарм ва газламани булашган қирғоқларини кенглиги 3-4 мм, икки қават газламанини 4-5 мм. Эгрилик радиуси кичик бўлган деталларни қирғоқларини аввалдан 1,5-2 мм чуқурликда қирқиб олинади. Елимлаш учун термопластик енимлар ва елим эритмалари қўлланилади.

Булаш учун ЗКВ, ЗКВ-1, МЗК-1 машиналари (маҳсулдорлиги 200-400 жуфт смена) ҳамда икки хил варианта ишлайдиган - енимни автоматик узатадиган ва бундай механизми бўлмаган 01280/P1 машинаси ишлатилади. Маҳсулдорлиги сменада 400-500 жуфт.

Ярим автоматик равища ишлайдиган МСГ машинаси ҳам ишлаб чиқарилган бўлиб, бу машинада этикни юқориги кантини бир пайтда енимлаб булашади. Термопластик елим қирғоқка аввалдан суртиб қўйилади. Машинани маҳсулдорлиги сменага 1100-1400 жуфт. Босоножжа пайпоқсиз кийиладиган пойабзални тасмасини икки томонлама ёки узлуксиз булаидиган машиналар ҳам ишлатилади. Бу машинада бир пайтни ўзида елим суртиб, булашади ва қуритилади.

Кичик деталларни (бант, тилча) булашда букишда матрицалари бўлган параллел равища автоматик булаш машиналари ҳам ишлатилади. Уларнинг маҳсулдорлиги сменада 4000-6000 жуфт.

Технологик карта тузиш.

Технологик карта қуидагида бўлади:

Дастакларни бетликка тикиш операциясини технологик картаси.

А. Дастакларни бетликни устига гофиirlари устма-уст тушадиган қилиб қўйиб иккита параллел чок билан астарлик билан қўшиб тикилади, дастакларни олдинги бурчакларини П-симон чок билан қўшиб тикилади, қотирма чок қилинади. Қотирмалар дастакларда симметрик холатда бўлиши керак. Қотирма чокни узунлиги 10-11 мм. Бетлик ва дастакларни тортиш қирғоқлари мос келиши лозим. Биринчи чокдан қирғоққача масофа 1,0-1,2 мм (қалинлиги 1,0-1,2 мм чарм деталлар учун).

Чоклар орасидаги масофа пойабзalни тасдиқланган моделига мос бўлиши ва 4,0 мм дан кўп бўлmasлиги керак. Хромли упука ва бузоқча чармидан қилинган деталлар учун чокни частотаси 1 см га 6-8 та.

Б. Пахтақоғоз иплари 30, 40

В. 230 синф, 34-А синф, 330-8 синф, 01153/22 синф, 24-синф тикув машиналари.

[қайтиш](#)

6 - маъруза

Мавзу. Пойабзalни йифиш жараёнини лойиҳалаш услуби.

Йифиш схемасини қуриш.

Режа.

1. Пойабзalни йифиш технологик жараёнларини лойиҳалаш услуби.
2. Йифиш схемасини қуриш.
3. Операцияларни кетма-кетлигига таъсир қилувчи омиллар. Шакллаш усуллари.

Таянч сўз ва иборалар.

Пойабзal йифиш, тайёр ярим жуфтлик, ёйилган технологик жараён, деталлаштириш, намлаш, ўраб тортиш, шакллаш, намлаб-иссиқлайн ишлаш, изни тўлдириш, фаоллаштириш, сайқаллаш, фазовий тановор, ярим текис тановор.

Адабиётлар.

1. В.П.Несторов, О.С.Закарян. Проектирование процесса производства обуви., Киев.6 1985 йил., 63-86 бетлар.

2. В.Л.Раяцкас, В.П.Нестеров. Технология изделий из кожи. М., 1988 йил.
3. Т.Т.Фомина. Новое в технологии производства обуви зарубежом. М., 1991 йил.
4. Справочник обувщика. Технология. М., 1989 йил.

Назорат саволлари.

1. Пойабзални йиғиш технологик жараёни қандай гурухларга бўлинади?
2. Пойабзални йиғиш технологик жараёнини лойиҳалашни босқичлари?
3. Технологик жараёнга мисол келтиринг?
4. Пойабзални йиғишида ўртача нечта операция бўлиши мумкин?
5. Пойабзални йиғишида мураккаб операцияларни айтиб беринг?
6. Товон қисмини ўрнатиш операцияси нима учун бажарилади?
7. Панжа, ахва товон қисмини тортиш операциялари неча босқичда ва қандай бажарилади?
8. Пойабзални сайқаллаш операцияларини лойиҳалашда нималарга эътибор бериш керак?

Пойабзални йиғиш жараёнини лойиҳалаш услуби.

Турли типдаги пойабзалларни йиғиш технологик жараёни учта гурухга бўлинади.

- 1) тановорни қолигда шакллаш операциялари;
- 2) тагликни шаклланган тановарга бирлаштириш операциялари;
- 3) механик ишлов бериш ва физик-кимёвий ишлов бериш операциялари;

Технологик жараёнини лойиҳалашни ҳам юқоридаги гурухларга бўлиш мақсадга мувофиқдир, чунки ҳар бир гурӯҳдаги операциялар бир нечта вариантда ва бир нечта жихоз ёрдамида бажарилиши мумкин.

Ҳар бир гурӯҳ операциялар учун технологик жараён мустақил тузилиши лозим, умуммий жараён алоҳида гурухлардаги жараёнларни йигиндисидан тузилади;

Йиғиш схемасини қуриш.

1. Барча зарур маълумотларни йиғиш ва ўрганиш.
2. Деталларга ишлов бериш ва пойабзални йиғиши, схемасини ва йиғиш технологик жараёнини тузиш.
3. Технологик ва ўюриқ картонларини тузиш.

Биринчи ва учинчи бочқичлар тоноворини йиғиш, босқичлари бир хил, шунинг учун иккинчи босқични деталлаштириб ўрганиб чиқамиз.

Иккинчи босқич чизмани ёки тайёр ярим жуфтликни хаёлан узелларга ва узелдаги деталларга ажратишдан бошланади. Бунда ажратиш кетма-кетлиги ва деталарга қамраб олинган ипини кўрсатиш керак.

Деталлаштириб бўлингач, спецификация бўйича барча деталларни қамраб олинганми, йўқлиги текшириб чиқилади.

Деталлаштириш ёзувлари, пойабзални йиғиш схемасини қуриш учун хизмат қиласди. Бунинг учун деталлаштириш ёзувлари бўйича тескари томонга юриб схема қурилади.

Сўнгра схема бўйича ёйилган технологик жараён тузилади; унда деталларни ва узеларни бирлаштирувчи барча операциялар қайд қилинган.

Эркаклар ботинкасини йиғиши технологик жараёни.

№	Операция номи	Иш характери	Жихоз типи		Технологик режимлар норматив	Ёрдамчи материал лар
			Тавсия қилингач типовой методика	Лойиҳада танланганлар		
1.	Қолипни танлаш, тозалаш, конвейерга қўйиш	M	СЖ-31 ХПП-3-0 04218/P1	ХПП-3-0 СЖ-В1	1426	Воск парафин ювадиган суюклик
2.	Тановарни намлаш	M	УУЗ 55032/P1	55032/P1	14005	Термометр
3.	Патак қоқиши	M	ППС-С Мб-фирма БУС	ППС-С	1455	Проволка
4.	Орқаликни елимлаб ёпиштириш	K	Стол. Ванна шкаф	Стол. Ванна шкаф	972	Елим-9 растворитель АКР
5.	Товон қисмини дастлабки шакллаш	M	З ПФ-0 1489 математик Италия	ЗПФ-0	857	Термометр
6.	Олд қотирмани ёпиштириш	M	ДВ-0 пресси	ДВ-0 столбанка	4137	Елим-10 растворитель
7.	Тановорни қолипга қўйиш, товон қисмини ўрнатиш	M	ПДН-1-0 опорная стойка затяжные клемши	ПДН-1-0	866	Текс № 10
8.	Тановорни тумшук қисмини ва ён қисмини ўраб тортиш	M	63 ДК шон ЗНК-3-0 62160/P1 №3 фирма БУСМК	63 ДН	539	Елим-36
9.	Товон ва гелен (ён) қисмини тортиш	M	640-Т6 шен	№64-Д шен	1118	-
10.	Товон қисмини шакллаш	M	ЗПК-4-0 64-Д шен 124 Д шен ФП-1-0 2001 Д	№64 Д шен 124 Д шен	1077	-
11.	Пойабзални намлаб-иссиқлайн ишлаш	M	УТФ-1-0 ВВТО-0 БУСМК №6	№6	5080	-
12.	Пойабзални қуритиш	M	ПРКС-1-0 TXK-14 TXK-1489 TCM-6114	TXK-1489	2344	-
13.	Патакдан скобаларни олиб ташлаш	K	Стол СТ-УК	1742	Бигиз қисқич	-
14.	Тортилган қирғоқларни	M	МВК-1-0 1ЧС Мербах нож ФРГ	МВК-1-0	1367	Линейка ГОСТ 42
15.	Тортилган қирғоқларни титиши	M	МВК-1-0 №-2 БУСМК Ау-28 Анзер 14 С фирма мербах	МВК-1-0	685	Шкурка
16.	Тортиш қирғоқларини 1-елимлаш	M	МНС-0 02068/P4 1066 тестика	02068/P4	922	Елим-9
17.	Пойабзал изини тўлдириш	M	ПДН-1-0 ППС-С 02015/P5 Б-1	02015/P5	766	Елим-9 мастика

18.	Тортиш қирғокларини 2-елимлаш	М	МИС-0 02068/P4 2004-Д	02068/P4	782	Елим-2
19.	Тагликка еним суртиш	К	СТБ	СТБ	982	Елим-2
20.	Тагликдаги издаги елемни активлаштириш	М	ТА-0	ТА-0	543	-
21.	Тагликни ёпиштириш	М	ППГ-4-0 ППГ-5-0 756-сигма шен	ППГ-4-0	614	-
22.	Тагликларни ва пошнани ёйиш фрезалаш	М	ФУП-3-0 04105/P6	ФУП-3-0	561	-
23.	Тагликларни ва пошнани ёнини шлифлаш	М	МШК-0 МШК-№-9 04311/P2	МШК-0	930	-
24.	Пойабзални тозалаш	М	ХПП-3-0 №9 Коголо 04218/P1	ХПП-3-0	1478	Суюк
25.	Пойабзални қолипдан тушуриш	М	04213/P3114 Сигма	04213/P3	767	-
26.	Пойабзални ичини михлардан тозалаш	М	СТ-УД	СТ-У	1400	-
27.	Құйма патақдан ёпиштириш	М	МКВ-Д 6004 Гестика Б-1	6004	1535	-
28.	Пойабзални күлда сайқаллаш	К	СТ-Р	СТ-Р	780	Бүек 33
29.	Пойабзални регулировка қилиш		АК-0-0 СТ-Р СЖ-1	АК-0-0 СТ-Р СЖ-1	1167	Бүек 33
30.	Пойабзални аппретация қилиш ва қуритиш		АК-0-0 18622/P2	СТ-Р	1681	Хром аппаратура
31.	Пойабзални шкурлаш	М	ПСП-3	ПСП-3	2151	Шкуркала
32.	Пойабзални маркалаш	М	05054/P2	05054/P2	1401	Бүек 55
33.	Пойабзални кутига жойлаш	К	СТ-УО СЖ-2	СТ-УО СЖ-2	982	-

Тановорни шакллаш усулини танлаш масаласи

Технологик жараённи тузища тановорни шакллаш усулини танлаш масаласи принципиал ҳисобланади. Шакллашни 2 та асосий усули бор:

1. Ўраб тортиш;
2. Ўрамасдан, ичкаридан ёки ташқаридан куч таъсир эттириб шакллаш.

Бу усулларда тановорни шакли оралиқни қўйиш учликни қўйиш ва хоказоларни кетма-кетлигига боғлиқ ҳолда турлича бўлади.

Шакллаш усулини танлашга таъсир қилувчи омиллар.

Шакллаш усулини танлашга асосан иккита омил: тановорни фазовийлиги, (хажмийлиги) ва тортиш қирғонини холати (тортиш қирғони рант ёки бошқа детал билан бирлашса уни эркинлик даражаси камаяди) таъсир кўрсатади. Тановорни шакли текис, ярим текис ва фазовий (хажмий) бўлиши мумкин.

Қолипда шаклланаётганда мана шу уччала гурухдаги тановорларга турлича куч қўйиш талаб қилинади. Текис тановорларда бетликни дастаклар билан бирлаштирувчи чокни бўлмаганлиги сабабли (этик) кўпроқ деформациялаш керак, бунинг учун ўрабтортиш, қисқич билан тортиш усуллари тавсия қилинади.

Ярим текис тановорида (ярим ботинка) бетлик билан дастакни бирлаштирувчи чок бор бўлиб, шакллашда асосан уч қисми деформацияланади. Маълумки, тановорни бўйлама ва кўндаланг йўналишдаги чўзилиш ўртacha 6-8% ташкил қиласи ва бу деформацияланади бир хил бўлмайди. Қисқич билан ушланган жойларида тановор бўйлама йўналишда 50-60% га чўзилади, қолипни қовурға соҳасида 25-40%. Нарироқда чўзилиш камаяди ва оралиқда 3-5% тановорни ўртачасида 4-10% ни ташкил қиласи.

Ярим текис тановорларни шакллашда иккита усул ўраб-тортиш (қисқичли) ва пластинкаларда ўраш ва елимли тортиш.

Фазовий (хажмий) тановорда учлик қисми қолипни шаклига мос тутади ва асосан тортиш қирғоқлари шаклланади, бошқа деталларни эса озгина тортиб қўйилади. Фазовий тановорни шакллашда пластинкаларда ўраш ва тортиш ёки бир жараёнли усул қўлланилади.

Шакллаш усулини танлашдаги иккинчи омил - бу тортиш қирғонини холати ҳисобланади. Агар у эркинхолатда турган бўлса, одатда ўраб тортиш усулини қўланади.

Навбатдаги вариант - тортиш қирғонини эркинлик даражаси камайган (қирғоқка олдиндан рант тикиб қўйилган).

Бундай тортиш қирғонида периметр бўйлаб қисқариш қобиляти чекланган, шунинг учун тановор фазовий шакил элементларига эга бўлиши керак. Бундай холатларда ташқаридан куч қўйиб бир жараёнли шакллаш усули қўлланади.

Тортиш қирғони аввалдан подлодка, юмшоқ патак ва бошқалар билан бирлаштирилган бўлса, бундай холларда тановор фазовий шаклда бўлади. Унинг тортиш қирғони кўндалангига қисқариш имконидан маҳрум бўлади ва ташқаридан ўрамасдан ичкаридан куч таъсир эттириб шакллаш усули қўлланishi мумкин.

Юқорида келтирилган иккита асосий омиллардан ташқари шакллаш участкасида операция танлаш ва уларни бажариш режимларини белгилаётганда қўйидаги омилларни ҳам ҳисобга олиш лозим:

1. Қаттиқ учлик ва орқалик тайёргарланадиган материал, уни қўллашни технологик жараёни.

2. Тановор материали. Чунки у намлаш режимига, жихоз танлашга, тортиш қирғофини пatakка бирлаштирувчига, қуритиш режимига ва бошқаларга таъсир қилади. Масалан, юфт ва газмол тановорларни шакллаш жараёнлари намлаш, қуритиш жараёнларида ва бошқаларда фарқланади.

3. Патакни конструкцияси, материали ва тортиш қирғофини пatakка нисбатан холати. Масалан, қирғоқ пatakка булканиши ёки ташқарига булканиш мүмкін (сандал усули).

4. Бирлаштирувчи тури, (елим, ип), қолипни хусусиятлари (металл пластина товонда ёки бутун из бўйлаб) ва бошқалар.

Ейилган технологик жараённи тузиб бўлингандан кейин маршрут тузилади, ишчиларга ва жихозларга эҳтиёж аниқланади. Сўнгра технологик ва йўриқ карталари тузилади ва цех майдонида участкаларни жойлаштирилади.

Шундан кейин ишлаб чиқариш шароитида пойабзални партияси тайёрланади. Шу билан бирга операциялар кетма-кетлиги аниқлаб олинади (конвејерга қўйиш, пойабзални участкадан узатиш, қолипларни қайтариш ва бошқалар. Сўнгра асосий ва ёрдамчи материалларга эҳтиёж хисобланади. Пойабзални тан нархи ва уни сотишдан фойда аниқланади.

[қайтиш](#)

7 - маъруза

Мавзу. Чарм буюмларини ишлаб чиқариш технологик жараёнларини автоматлаштирилган лойиҳалаш. Технологик жараённи математик модели. Лойиҳалаш алгоритми.

Режа.

1. Автоматлаштирилган тизимни яратилиши.
2. Бошқаришни умумий схемаси.
3. Ишлаб чиқаришни математик модели.
4. Предикатлар рўйхатини тузиш.
5. Технологик жараённи формаланган ёзуви.
6. Оптимал жараённи танлаш алгоритми.
7. Технологик ечимни қабул қилиш схемасини тузиш. Жараённи ифодаси.
Чегараларни аниқлаш.

Таянч сўз ва иборалар.

Автоматлаштирилган тизим, бошқаришни умумий схемаси, бошқариладиган объект, бошқарувчи қурилма, технологик ечим, конструктор, технологик ечимни қабул қилиш хусусияти, предикатлар, чегаралашлар, сатх.

Адабиётлар.

1. В.А.Раяцкас, В.П.Нестеров. Технология изделий из кожи. М., 1988., 274-292 бетлар.
2. Р.А.Климин, В.Н.Гончаренко ва бошқалар. работехнические системы в текстильной и легкой промышленности. М., 1991 йил.
3. В.П.Нестеров, О.С.Закарян. Проектирование процесса производства обуви. Киев. 1985 йил.
4. Справочник обувщика. Технология. М., 1989 йил.

Назорат саволлари.

1. Пойабзални моделдаги пойабзални ишлаб чиқаришда технологияни тузиш ва меҳнат сарфини хисоблашга неча одам кун кетади?
2. Автоматлаштирилган тизимни афзалликлари?
3. Бошқаришни умумий схемасини тушунтириб беринг?
4. Пойабзал ишлаб чиқаришни технологик жараёнини математик модели қандай бўлади?
5. Предикатлар рўйхати нималардан иборат?
6. Технологик ечим қабул қилиш жараёнини формалланган ёзуви қандай бўлади?

Чарм буюмлар ишлаб чиқариш технологик жараёнларини автоматлаштирилган

лойиҳалаш. Технологик жараённи математик модели.

Лойиҳалаш алгоритми.

Автоматлаштирилган тизимни яратиш.

Лойиҳалаш усуллари бўйича тўплаган маълумотлар лойиҳалашнинг янги босқичи бўлиш лойиҳалашни автоматик тизимини яратишга олиб қолади.

Бундай масалани қўйилишига ва ечимини топишга кейинги йилларда пойабзални моделларини сонини тез кўпайиб кетиши ҳам шароит яратди. 1966 йилда содик иттифоқда 10,5 мингта бўлган бўлса, 1975 йилда 20 минг, 1980 йилда 18 минг атрофида, 1986 йилда эса 20 мингга етади. Кейинги пайтларда янги моделларни сонини бунданда кўпайиб кетиши кутиляпти.

Умумлашган графикка кўра янги моделдаги пойабзални ишлаб чиқаришда технологияни тузиш ва меҳнат сарфини хисоблашга 16-19 гача одам кун кетади. Бу битта модел учун, бир неча минг янги модел миқёсида оладиган бўлсак, кўплаб муҳандисларни йил давомида банд қилиб қўяди. Бу ишларни бажариш учун корхонада муҳандисларни сонини кўпайтириш билан муаммони ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг ўрнига муҳандисни меҳнатини сифат жихатдан ўзгартириш керак. Муҳандисни қайтарилиб турадиган, чарчатадиган ҳисоблашлардан кутилтириб, бу ишларни ЭХМ гатопшириш автоматлаштириш элементларини киритиш керак.

Пойабзал технологиясида тушунтириш бўлимларига формалаштирилган қоидалар тўпламини қўшиш керак.

Бу ишни мухандисни фаолиятини математик ифодалашни тузишдан бошлаш керак. Буларни эса ЭХМ тушинағын түлде, яғни алгоритм ва ЭХМ ни ишлеш дастурини тайёрлаш керак.

ЭХМ қўллаш деганда инсонни лойиҳалаш жараёнидан бутунлай четлаб қўйиш мумкинлиги тушунилмайдиган. У ЭХМ ни ишини назорат қилиб туради. Ишни сўнгги босқичида мухандис ЭХМ да ишлаб чиқилган технологик лойиҳани қўллаш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Автоматлаштирилган лойиҳалашни боши эвристик ишларни формалаштиришдир. Маълумки, технологик жараённи функцияси бошланғич материални тайёр буюнга айлантириши шунинг учун технологик жараённи лойиҳалашни техник бошқариш тизимида бошқариш таъсирини шакллантириши деб қараш мумкин. Бунда кибернетик ёндошишни қўллаш мумкинки унинг ёрдамида бошқариш қонуниятларини анализ қилинади.

Бошқаришни умумий схемаси.

Лойиҳалашга кибернетик ёндошиш бошқаришни қайта (тескари, охиридан бошига қараб) алоқали масалаларни умумий схемасини қўллашга имкон яратади.
(2-схема).

схема

Схемада пунктр чизиқ билан оптимал технологик жараён Ропт (чиқиш маълумотлари) ишлаб чиқарувчи бошқарувчи қурилма чегаралаб қўйилган.

Бу маълумот пойабзал тўғрисидаги кириш маълумоти ва уни тайёрлаш учун техник шартлар СпқС....., Сп асосида тузилади. Бошқариш назариясига кўра ҳар бир тизимда атроф муҳитни бошқарувчи қурилмага ёки бошқариладиган обьект Сво га тўсатдан таъсири СВв мавжуд. Мисол учун бошқариладиган обьектга муҳитни намлиги узайганда, қолипни пластмассалари эскирганда, тортиш операцияларида уларни синиши ва хоказолар пойабзални тановоридан физик-механик хусусиятларини ўзгариши содир бўлиши мумкин.

СВв таъсирини мисол технологик ечимларни мумкин бўлган зонасида аввалдан режалаштирилмаган пойабзални таг қисмини бирлаштириш янги усулини (қўйма) ишлаб чиқариш бўлиши мумкин. Технологик ечимларни мумкин бўлган зонаси Рв га илмий текшириш институтида ва корхонани архивида бўлган барча ишланган технологик ечим варианtlари киради.

Рұксат этилган технологик елимлар зонаси Рр га мўлжалланган конструкторлик хусусиятлар З га эга бўлган пойабзал тайёрлашга замин яратадиган технологик ечимлар тўплами киради. Мисол учун агар конструктор елимлама усулда пойабзал тайёрлашни мўлжалланган бўлса мумкин бўлган ечимлар зонасига тортиш участкасида тановорни мих, елим шнур ва бошқалар ёрдамида тортиш кириши мумкин. Тортишни мана шу барча усувлари зонасида бўлади, лекин бу гурухга қирғоқни ташқарига букиб тортадиган рант ва доппел усувлари кира олмайди. Бошқариш қурилмасига кириш маълумоти З ни киритилган, мумкин бўлган технологик ечимлар зонасидан рұксат этилган технологик ечимлар зонаси шаклланади.

Агар конструктор юқорида келтирилган мисолда ечимли тортишни режалаштирилган бўлса, у холда рұксат этилган технологик ечимлар зонасига мих ва шнур билан тортиш усувлари

кирмайды. Кейинги босқичда Зк Сп маълумоти асосидан битта оптимал вариант танланади. Масалан уч операцияли ЗНК, ЗПК, ЗГК жихозларини қўлланадиган вариант.

Тескари (охиридан бошига) алоқа тизимда бошқариувчи қурилмасига оптимал ечимни қўллаш тажрибаси хақида маълумотни узатиш йўли билан амалга оширилади.

Бунга мисол фабрикаларда кенг қўлланиладиган синаш учун тайёрланган пойабзал янги натижаси (агар зарурат бўлса унга ўзгартиришлар) киритилади.

Юқоридаги бошқариш схемасидан келиб чиқадики, технологик ечим қабул қилиш жараёнини формаллашган ёзуви (модель) қўйидагича бўлади.

$$P_{onT} \exists \sum P_P CP_M$$

Лойиҳалашнинг барча масаласини бундай таърифлаш мумкин: фазодаги мумкин бўлган ечимлардан қўллашни оптимал нуқтасини ажратилсин.

Кириш маълумоти асосида ΣP_A фазони нуқталарини Ропт нуқталарига ўтиши қоидалари лойиҳалашни алгоритми бўлиб хизмат қиласди.

Моделлар тизими технологик жараённи лойиҳалаш жиҳоз танлаш материалга ЭХМ ҳисоблаш ва бошқалар учун тузилади, шунинг учун биринчи навбатда технологик жараённи математик моделини тузиб олиш керак.

Таклиф этилаётган лойиҳалашни умумий услуби биринчи навбатда муаммони тизимли анализ қилишни кўзда тутади. Дастурланган усулни тузиш мураккаб бўлгани (қўллаш эса содда) учун лойиҳалаш жараёнини қатор сатҳларда бўлиш ва ҳар қайси сатҳда таркибий қисмларни уларни ечишни кейинчалик оптималлаш билан ажратиш зарур.

Шунингдек буюм конструкциясини предикатларини буюмни ишлаб чиқаришга сезиларли таъсир кўрсатувчи хусусиятлари ажратиш ишлаб чиқариш жараёнин математик моделини, лойиҳалашни дастур ва алгоритмини тузиш тавсия қилинади.

Ушбу муаммоли тизимни ечими асосига пойабзални конструкцияси хақидаги тасавурларни ва уни ишлаб чиқаришни технологик жараёнини ягона бир бутун деб ҳисобловчи кўплаб элементлардан ташкил топувчи тизимлар хақидаги тушунчаларни қабул қилиш мумкин. Бу холда технологик жараённи умумий функцияси деб бошланғич материални ёки яrim фабрикатни пойабзалга айланишини ҳисоблаш мумкин.

Зо қ П → Зк

ёки қисқартирилган холатда

ЗоП x Зк

бу ерда: Зо-пойабзал йиғиладиган яrim фабрикатлар, деталлар, узеллар.

Зк-йиғилган узел ёки пойабзални аниқловчи охирги холат.

П-айлантириш (ўтказиш) белгиси.

(1) функцияда ЗоП одатда мураккаб ҳисобланади ва у қатор функцияларга ажрайди.

$$\Phi(3n) = 3_0 f_1 3_1 f_2 3_2 f_3 \dots 3_{k-1} f_k 3_k$$

бу ерда: функция деталларни бир оралиқ иккинчисига ўтказувчи функциялардан иборат.

$$3_{k-1} := f_k \rightarrow 3_k$$

ёки қисқартирилган ифодаси: $3_{k-1} f_k 3_k$

Шундай $\Phi(3P)$ ёзувда күрсатилишича бошланғич холатидан Зо детал fі операцияси ёрдамида З холатига ўтказилади, ундан эса f операцияси ёрдамида / холатига ўтказилади ва бу технологик жараённи барча сатхларини $\Phi_1, \Phi_2, \dots, \Phi_n$ ёзувлари тузиб чиқилади. Бу бутун тизимни таркиби функциясини тасвирланиши ва ишлаб чиқаришни технологик жараёнини математик моделини қисми ҳисобланади.

Математик моделга шунингдек пойабзални детални ёки узелини ҳар бир сатхда ишлов берилгандан кейинги холатини тавсифловчи бази параметрларни ҳам киритилади. Мисол учун уни таннархи ишлов бериш давомийлиги жихоз тури ишчининг разряди қўлланиладиган материаллар ва х.к.

Технологик жараённи алоҳида сатхларини эмас, балки тўлалигича тизимни қаралаётганлиги сабабли математик моделга барча сатхларни ўзаро боғлиқлигини ва тавсифини ҳам киритилади. Уларни геометрик усулларини объектларини текширишга қўллашни ўрганувчи графалар назарияси ёрдамида тасвирланади.

Графа (грекчадан чизаман, расм соламан) - бе геометрик схема бўлиб унда кўплаб берилган баландликлар бизнинг мисолимизда (бизнинг мисолимизда) технологик жараёнлар кетма-кет, узлуксиз чизиқлар ёйилар билан (конвойерлар, олиб узатгичлар) туташган. Бунинг учун графа дарахт схемада хақиқатан ҳам оддий дарахтга ўхшайди. Бунда технологик жараённи графаси тузилади, унинг кўплаб баландликлари ва операцияларига изоморф кўплаб ёйлари D-эса жараённи қисмлари ва кейинчалик тартибга (тугаган қисми).

Бу холда пойабзал ишлаб чиқариш технологик жараёнини тўла математик модели қуйидагича кўринишга эга бўлади:

$$\begin{aligned}\Phi_0 &= 3_0 f_1 \rightarrow 3_1; Y_{00}; \Gamma_0(B_0, D_1); \\ \Phi_1 &= 3_1 f_2 \rightarrow 3_2; Y_{11}; \Gamma_1(B_1, D_2); \\ \Phi_2 &= 3_2 f_3 \rightarrow 3_3; Y_{12}; \Gamma_2(B_2, D_3); \\ \Phi_n &= 3_n f_n \rightarrow 3_k; Y_{ij}; \Gamma_n(B_{n-1}, D_k);\end{aligned}$$

Бу ерда нқ1,2,3,...,e

Ишлаб чиқаришни математик модели.

Математик моделни 1 чи қаторида ишлаб чиқариш жараёнини материалга ишлов беришда бошланувчи ва дастлабки хусусиятлар 30 га эга бўлган 1 чи қисмини таркиби функцияси ва технологик тавсифи ёзилган.

Кейинги қаторлар Φ_1 дан Φ_n гача ишлаб чиқариш жараёнини ҳар бир бўлакларидағи операциялар тавсифи мисол учун тановорни тикиш, тортиш ва бошқалар.

Φ_0 дан Φ_n гача бўлиши сатхларини сонини технологик жараёнини схемаси ёрдамида аниқланади ва пойабзални модельер белгиланган хусусиятлари $Z_{11} \dots Z_n$ ни сонига боғлиқ бўлади, мисол учун 31-безак чок, 32-пистон ва бошқалар.

Предикатлар рўйхатини тузиш.

Технологик жараённи математик -модели элемент сифатида бошқариш қурилмасига ΣP ва Ролтни аниқловчи (ра) блокларга киради.

Технологик ечими мана шу схемасига кўра РО ни топиш учунчидан пойабзални хусусиятлари Зк хақидаги маълумотни 2 чидан технологик маълумотни $C_{pq}U(f_n; U_j F_n)$ унинг таркибига лойиҳалаш шартлари хақида маълумот У бўлади, технологик операцияларни тўпламлари ва уларни Гп ни орқасидан келиш қоидалари ёзувни эса бўлишдан керак.

Буюмни хусусиятини З хақидаги маълумотларни йўлакай маълумот 2 чи тур маълумотларни (формула) ўрнатувчи таълимот десак машинада лойиҳалашни вазифаси йўлакай маълумотни ўрнатилувчи маълумот ёрдамида Ролтга айлантиришдан иборат. Шунга ўхшаш барча холатларда йўлакай ва ўрнатилувчи маълумот ёрдамида ЭХМ дан қатъий қоида бўйича ёзилган холатда рақамлар ёки жадваллар кўринишида киритилади. Бунинг учун пойабзални хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни (предикатларни) уларнинг тўла рўҳати кўринишида ёзилади. (2-схема).

схема

Технологик ечимни қабул қилиш схемасини тузиш.

Янги наъмунарадаги пойабзални ишлаб чиқариш учун корхонани бунга тайёрлаб олиш керак, технологик жараённи схемасини танлаш, маршрут тузиш операцион технологияни танлаб олиш лозим. Йирик корхоналарни иш тажрибасига таянган холда пойабзал ишлаб чиқариш тизимини функционал ва таркибий моделларини маълумотларини хисобга олиб, пойабзал ишлаб чиқариш операцияларини танлаш, жихозларга ва ишчиларга эҳтиёжни хисоблаш бўйича технологик ечим қабул қилиш жараёнин схемаси тузилди. (схемага қаранг).

схема бор

Технологик ечимни қабул қилиш жараёнин ифодаси.

Тузилган схемадан күриниб турибиди, пойабзal ишлаб чиқаришда лойиҳалаш жараёни ечимларни ҳар бир босқичда ечимларни кетма-кет деталлаштириладиган кўп сатхли характерга эга.

Лойиҳани мақсади.

Дастлабки маълумотларни тайёрлаб ва лойиҳалаш мақсадини аниқ ифодалаб 1-блок масалани тўлалигича ёки қисман тайёр ечимини топишга харакат қиласди. Бунда дастлабки маълумотни танланади, тизимга солинади ва анализ қилинади: корхона режаси, давлатстандартлари, илгари ва бошқалар. Умумлашган технологияяда ёки архивда технологик хужжатлар бўлса, уларни тайёр холда у ердан олинади. Агар иложи бўлмаса (2-блок), у холда пойабзal ишлаб чиқаришни тизимини моделини ва технологик масалани ечиш усулини тайёрланади (3-блок).

Кўпинча модель масалани мақсади ва уни ечишга қўйилган турли чегаралашлар орқали ифодаланган математик символлардан иборат бўлади.

Одатда, масалани ечишда бир пайтни ўзида бир нечта мақсадларга эришиш керак бўлади. Масалан, пойабзal ишлаб чиқаришда қуидаги мақсадларга эришишга харакат -илинади. Талаб қилинаётган ассортиментда, сифатли пойабзal чиқариш мавжуд жихозлар нархи хисобига таннарх белгиланган минимал миқдорига эришиш, меҳнатни механизациялаш ва х.к.

Таннархни минималлаш талабларини қуидагича ифодалаш мумкин:

$$\sum_{i=1}^n C_i X \rightarrow \min$$

бу ерда -та намунадаги бир жуфт пойабзални ишлаб чиқариш таннархи; X-ишлаб чиқарилган пойабзаллар сони; min-минималга интилиш.

Чегараларни аниқлаш.

Технологик ечимни қабул қилиш жараёнида корхонадаги мавжуд турли чегаралашларни ҳам хисобга олиш керак. Масалан, жихозларни талаб даражасидаги нархини мавжудлиги, цехларни қувватлари ва бошқалар. Мақсад функциясини илгари хисобга олинмаган асосий бўлмаган мақсадларини энди математик символлар билан чегаралашлар сифатида ёзилади. Мақсад функцияси ва чегаралашлар тизимини биргалиқдаги ифодаси ўрганилаётган ходисани модели хисобланади. Математик модел

хақида кейинги бўлимларда алоҳида тўхталиб ўтамиш.

Лойиҳалашни тўртинчи, бешинчи ва олтинчи босқичларини пойабзal саноатига хос бўлган ечимларни қабул қилиш кетма-кетлигига ва боғлиқлигига кўриш мақсаддга мувофиқ. Юқоридаги схемада бу ишларни бажарилишини умумий тартиби берилган. (4,5,6-блоклар).

Масалаларни ечиш схемаси ҳар бир блокда бир хил: аввал ечимларни иложи борича кўпроқ сони тузиб олинади (4,4,4-блоклари), сўнгра ахамияти камроқ вариантларни (5,5,5-блоклари)

тушириб қолдириш критерийларини танланади (6,6,6-блоклар). Ечимни қабул қилиш жараёни күп сатхли бўлганлиги сабабли, 4,5,6-блокларни ҳар бирида қўшимча 3 та сатх ажратилган.

Технологик хужжатларни тайёрлашни технологик жараёни схемасини тузишдан, яъни деталларни йифишни кетма-кетлигини аниқлашдан бошланади. Тўртинчи босқичнинг биринчи сатхидаги (4-блоки) технологик жараёни схемасини бир нечта варианти тайёрланади. Бешинчи босқичда (5-блок) схема вариантларини тушириб қолдириш критерийси танланади. Биринчи сатхда критерийлар эвристик (ижодий авторни изохи) унча аниқ эмас, кўпинча оғзаки маълумотга таянган. Масалан, схемани тушириб қолдириш критерийси сифатида умумий талаб йифиш схемасини тузганда узеллар усулидан фойдаланиш (бунда деталлардан узеллар, узеллардан буюм йифилади) талаби қўйилади. Олтинчи блокни биринчи сатхидаги қўплаб схема вариантларидан танланган критерий ёрдамида энг рационали танлаб олинади.

Иккинчи сатхда (4,5,6) рационал технологик жараён танланади. Унинг таркибида операциялар рўйхати (маршрут), жихозлар номи ҳар бир операцияни бажариш учун вақт меъёри, ишини разряди, ишчилар сони, ишлатиладиган материал бўлади.

Тўртинчи босқични иккинчи сатхини (4-блоки) мақсади мавжуд пойабзални йифиш схемалари бўйича технологик жараёнларни қўплаб вариантлари тузиш. Масалан, агар тортиш жараёнини барча усулларини кўриб чиқиш керак: елимлама, ички шакллаш, шнур ёрдамида, мих ёрдамида ва бошқалар. Бу масалани ечиш учун технологик жараённи схемасидан ташқари деталлар, материаллар, буюмга техник талабалар, жихозларни тавсифлари ва бошқалар хақидаги маълумотлар ҳам қўшимча талаб қилинади. Бу маълумотлар биринчи блокда.

Бешинчи босқични иккинчи сатхидаги (5-блоки) технологик жараёнларни варианtlарини анализ қилиш критерийсини аниқлаш критерийси энди сонли ўлчамга эга бўлиши керак, чунки худди шу босқичларда асос яратилади ва бутун корхонани фаолиятини узлуксизлиги даражаси аниқланади. Масалан, критерий сифатида кўпинча меҳнат сарфи ва таннархи минимал бўлиши. Тушириб қолдириш натижасида 6 босқичда оптималь технологик жараён олинади.

Автоматлаштириш даражаси юқори бўлса ишчи органлар, асбобларни ҳамда автоматик механизmlарини ёрдамчи харакатларини троекториясини математик ифодалаш операциялари бажарилади. (7 ва 8-блоклар). Бу сатхда баҳолар факат рақамли сув билан ёзилган маълумотлар йўқ.

Ҳар қандай сатхда қабул қилинган синаб кўриш керак. Кўпинча бу ишни (9-блок) ишлаб чиқариш шароитида янги пойабзални тажриба партиясини тайёрлашда бажарилади. Шундай қилиб, пойабзал ишлаб чиқаришдаги мавжуд технологик ечимни қабул қилиш жараёнини анализидан маълум бўлдики, жараён итернатив (кетма-кет) ва эвристик (ижодий) характерга эга.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Курсни вазифалари нималардан иборат?
2. Фабрикани ишлаб чиқариш занжирини айтиб беринг?
3. Ишлаб чиқариш жараёнларини лойихалаш босқичлари?
4. Технологик жараён деганда нимани тушунасиз?
5. Операцияларни бажариш кетма-кетлиги?
6. Жараённи унификациялашни тушунтириб беринг?
7. Узеллар ва деталлар қандай умумлаштирилади?
8. Технологик жараён қандай умумлаштирилади?
9. Таркибий модел нима. Унинг мақсади ва вазифалари?
10. Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашни таркибий модели?
11. Ташқаридан келадиган маълумотлар рўйхати?
12. Тизимда хосил бўладиган маълумотлар рўйхати?
13. Ахборот модели нима?
14. Ахборот модели қандай тузилади?
15. Функционал модел нима ва у қандай тузилади?
16. Материалларни устки деталга бичишни қандай лойихаланади?
17. Рулонли материалларни бичишни хусусиятлари?
18. Бичиш жараёнларини такомиллаштириш йўллари?
19. Устки деталларга ишлов бериш жараёнлари?
20. Материалларни пойабзални таг деталларига қирқиш?
21. Таг деталларга дастлабки ишлов бериш?
22. Тановорни йиғиш технологик жараёнларини лойихалашда нималарга эътибор бериш керак?
23. Лойихалашни уч босқичи?
24. Тановорни йиғиш схемасини қандай қуритилади?
25. Тановорни деталларига ишлов бериш технологик жараёни қандай тузилади?
26. Ёйилган схема қандай тузилади?
27. Технологик карта нима?
28. Чокни қадами чокни мустаҳкамлиги қандай таъсир кўрсатади?
29. Ип билан бирлаштиришда қўлланиладиган жихозлар?
30. Пойабзални йиғиш технологик жараёнларини лойихалаш?
31. Пойабзални йиғиш схемаси қандай тузилади?
32. Тановорни шаклланишини қандай усуулларини биласиз?
33. Шаклланиш усулини танлашга қандай омиллар таъсир қиласи?
34. Конструкторлик маълумотлар банки?
35. Технологик ечимни қабул қилиш схемаси?
- 36 Ечимни қабул қилишда чегаралар қандай аниқланади?
37. Автоматлаштирилган тизим нима?
38. Бошқаришни умумий схемаси?
39. Ишлаб чиқаришни математик модели?

40. Оптимал жараённи танлаш алгоритми?

41. Ишлаб чиқариш шароитларини ҳисобга олган холда технологик жараёнлар қандай аниқланади?

Қўшимча адабиётлар.

1. Справочник обувщика. 1.2-томлар, М, 1989 йил.

2. Стронгин, Морева. Справочник мастера обувщика., М., 1985 йил.

3. Н.Н.Иванов Технология обуви., М., 1970 йил.